

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЬАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

О.А.Хасанов

“_____” 2015 йил

**“ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ”
МОДУЛИ БҮЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Малака ошириш курси йўналиши: Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)

Тингловчилар контингенти: Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари

Тузувчи:

Ў.Ғ.Тошиматов – профессор

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	3
МАЪРУЗА МАТИЛАРИ.....	17
1-Мавзу: МУСИҚА ЧОЛҒУЛАРИ ВА ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ ТАРИХИ	17
2-Мавзу: ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА	
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИГА ТАНҚИДИЙ ЁНДОШУВ	31
3-Мавзу: ЗАМОНАВИЙ ВА АНЬАНАВИЙ ЧОЛҒУЛАРДА ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ	
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	58
АМАЛИЙ МАШғУЛОТЛАР МАЗМУНИ.....	62
ГЛОССАРИЙ.....	71

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мустақиллик даврининг энг муҳим ютуқларидан бири Ўзбекистонда таълим тизимининг ислоҳ қилиниши билан боғлиқдир. Зеро, эркин ва озод Ватаннни барпо этиш ва унинг қудратини мустаҳкамлаш учун замонавий ва чуқур билимга эга кадрлар зарурлигини ўз вақтида ҳис этган Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳозирги кунда ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизда ҳозирги кунда яратилган таълим тизими кўплаб хорижий мамлакатлар томонидан тан олиниб, ундан андазалар олиниши ва амалиётга татбиқ этилиши мамлакатимиздаги таълим тизимининг муваффақиятини исбот қиласди. Таълим тизимини такомиллаштириш ишларини доимий равишда олиб бориш учун имконият яратиб бераетган Қонун ва Дастурга кўра юртимизда таълим муассасалари педагогларини тайёрлашдаги айрим камчиликларни ҳам бартараф этиш даври етиб келди. Зеро, юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмас” эди.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими шу давргача собиқ Совет тизими даврида яратилган тартибда амалга ошириб келинаётган эди. Ҳозирги кунга келиб ушбу тизимни янада такомиллаштириш асосида бозор муносабатларига мослашган янги тизимни ташкил этиш зарурати туғилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнда “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони эълон қилинди. замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб бориши мақсад қиласди.

Мазкур Фармонга кўра янгидан барпо этилаётган тизимда олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари чукур ўрганилиши, жаҳон тажрибасидаги илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг шакллантирилиши, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг кўллашга тайёрлаш, хорижий тилни амалий жиҳатдан мустаҳкам ўзлаштириш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари билиш, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар кўлламини янада кенгроқ ўзлаштириш, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлардан хабардорликни ошириш, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу дастурда таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий ҳуқуқий асослари жумладан: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари хамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруқлари асосида ишлаб чиқилган. Унда чолғу ижроилигининг анъанавий ва замонавий турларига оид тарихий маълумотлар, шунинг ижроиликнинг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ маълумотлар берилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Чолғу ижроилиги тарихи ва тараққиёти” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини чолғу ижроилигининг анъанавий ва замонавий йўналишларининг тарихи, уларнинг ривожланиш босқичлари, ижроиликдаги жанрларнинг турлари ва уларни талқин этишдаги замонавий услублар, ижроилик ва чолғушуносликдаги айrim муаммоларни аниqlаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтиришдан иборат.

“Чолғу ижрочилиги тарихи ва тараққиёти” модулининг вазифалари:

-чолғу ижрочилиги билан боғлиқ тарихий манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, мусиқа чолғулари ва улардаги ижрочилик маҳоратининг ўсиш тенденциясини таҳлил этиш;

-ўзбек миллий чолғуларининг қайта ишланиши ва такомиллаштирилиши жараёнларига танқидий ёндошган ҳолда таҳлил этиш;

- чолғу ижрочилигининг тарихи ва ривожланиш босқичлари билан боғлиқ янги маълумотларни олий таълим тизимига татбиқ этиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Чолғу ижрочилиги тарихи ва тараққиёти” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

-мусиқа чолғуларининг турлари, таснифи;

-миллий чолғуларнинг пайдо бўлиш жараёни ва такомиллашуви;

-чолғу ижрочилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши;

-чолғу гурухларининг шаклланиши ва турлари;

-ижрочиликдаги турли анъанавий ва замонавий услублар ҳақида

билимларга эга бўлиши;

Тингловчи:

-ўз касбий фаолият соҳаларида мусиқа чолғулари ва ижрочилик тарихи ва тараққиёти билан боғлиқ билимларни қўллай олиш;

-чолғу ижрочилигининг анъанавий ва замонавий турларидаги асосий ютуқларини тарғиб қилиш;

-чолғу ижрочилиги муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш;

-чолғу ижрочилиги билан боғлиқ янги машқлар тузиш;

-чолғу ижрочилигидаги янги услуг ва тажрибаларни амалиётда қўллаш кўникмаларини эгаллаши;

Тингловчи:

-чолғу ижрочилиги тарихи ва тараққиёти билан боғлиқ методик күрсатмалар ишлаб чиқиш;

-ижроликдаги эришилган ютуқларни амалда тұғри қўллаш;

-чолғу ижрочилигига доир муаммоларни аниклаш;

-чолғу ижрочилиги борасидаги олиб борилган тадқиқотларни танқидий таҳлил этиш;

-ижрочилик услубларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

-чолғу ижрочилиги тарихи ва тараққиётига тегишли маълумотлар чоп этилган манбаларни баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

-чолғу ижрочилиги тарихи ва ривожланиши билан боғлиқ ютуқларни қўллашда ижтимоий ўзаро таъсир кўрсатиш;

-чолғу ижрочилиги билан боғлиқ янги маълумотлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

-олинган янги билимлар асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;

-чолғу ижрочилигига эришилган ютуқларга суюнган ҳолда хулосалар бериш;

-янгидан ўзлаштирилган маълумотлар асосида чолғу ижрочилигини такомиллаштириш борасида қарорлар қабул қилиш;

-тизимли - фаолият тавсифидаги **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Чолғу ижрочилиги тарихи ва тараққиёти” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидақтик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий мусиқа чолғуларидан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, анъанавий ва замонавий чолғуларда ижрочилик

малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усуларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Чолғу ижрочилиги тарихи ва тараққиёти” модули мазмуни ўқув режадаги “Чолғу ижрочилигига жаҳон тажрибаси” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг чолғу ижрочилиги бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларида чолғу ижрочилиги ва мусиқа чолғулари тарихи ва тараққиёти билан боғлиқ маълумотларни ўзлаштириш, уларни таҳлил этиш, илғор ютуқларни амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетенцияга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустақил таълим
			Жами	Аудитория ўқув юкламаси	Жумладан	Назарий	
1.	Мусиқа чолғулари ва чолғу ижрочилиги тарихи	2	2	2	-	-	-
2.	Ўзбек миллий чолғуларини қайта ишлаш ва такомиллаштириш жараёнига танқидий ёндошув	6	4	2	2	2	2
3.	Замонавий ва анъанавий чолғуларда ўқитиш тизимини такомиллаштириш масалалари	4	4	2	2	-	-
4.	Урма зарбли чолғулар таснифи ва улардаги ижро услубларининг такомиллашуви	2	-	-	2	-	-
5.	Дамли чолғулар ва улардаги ижро услублари	2	-	-	2	-	-
6.	Торли чолғуларнинг турлари ва улардаги ижро услубларининг бойитилиши	2	-	-	2	-	-
	жами		18	16	6	10	2

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Мусиқа чолғулари ва чолғу ижрочилиги тарихи (2 соат)

Режа

1. Мусиқа чолғуларининг таснифи масалалари.
2. Мусиқа чолғуларини археологик топилмалар, қоятошлардаги суратлар, тарихий миниатюралар ҳамда қадимий қўллэзмалар воситасида ўрганиш.
3. Мусиқа чолғуларида гурухли ижрочилик тарихи. Замонавий чолғу жамоалари.

Мусиқа чолғуларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ табиий шароит. Қадимий содда мусиқа чолғулари. Чолғуларнинг турлари. Мусиқа чолғуларининг ал Фаробий, ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино ва бошқа Шарқ олимлари томонидан таснифланиши. Мусиқа чолғуларининг Хорнбостель томонидан таснифланиши. Археологик қазилмалар пайтида топилган топилмаларда мусиқа чолғуларининг акс этиши. Қоятошдаги суратлар ва қадимий миниатюраларда мусиқа чолғуларининг акс эттирилиши. Мусиқага бағишланган Шарқ олимларининг рисолаларида мусиқа чолғулари ва чолғу ижрочилиги билан боғлиқ маълумотлар. Тарихий манбаларнинг хозирги кунда ўрганилиш даражасига танқидий назар. Гурухли ижрочилик шакллари ва турлари. Миллий чолғуларда гурухли ижрочилик анъаналари. Замонавий оркестр ва ансамблларнинг турлари ва ижро услублари. Ўзбекистондаги моҳир созандалар ва таниқли чолғу жамоалари. Чолғу ижрочилиги билан боғлиқ танлов ва фестиваллар.

2-Мавзу: Ўзбек миллий чолғуларини қайта ишлаш ва такомиллаштириш жараёнига танқидий ёндошув (2 соат)

Режа

1. Ўзбек миллий анъанавий чолғулари. Фольклор чолғулари.
2. Ўзбек миллий чолғуларини такомиллаштириш ва қайта ишлаш жараёнида хорижий мутахассислар ва маҳаллий созгарларнинг иштироки.
3. Такомиллаштирилган ва қайта ишланган ўзбек миллий чолғуларининг хозирги кунда мусиқа маданиятимизда фойдаланилиши масалалари.

Ўзбекистон худудида тарқалган мусиқа чолғулари. Миллий профессионал

ва фольклор чолғулари. Анъанавий ижрочиликда қўлланилган чолғуларнинг қайта ишланиши ва такомиллаштирилишига бўлган эҳтиёж. А.Петросянц ва бошқа хорижий мутахассисларнинг чолғуларни такомиллаштириш ва янги чолғу оиласарини яратишдаги ишлари. Миллий чолғуларни қайта ишлаш ва такомиллаштирилишида маҳаллий усталарнинг иштироки. Янгидан яратилган ва такомиллаштирилган чолғуларнинг ўзбек мусиқа маданиятидаги иштироки. Қайта ишлаш ва такомиллаштириш жараёнига ижобий ва танқидий муносабат. Қайта ишлаш ва такомиллаштириш жараёнидаги камчиликлар. Ҳозирги кунда фойдаланилаётган “академик” чолғуларнинг ютуқли ва камчилик томонлари. Анъанавий чолғулардан таълим тизимида ва профессионал ижрочилик фойдаланиш масалалари. Миллий чолғулардан эстрада жанрида фойдаланиш тажрибалари. Фольклор чолғулари, уларни сақлаб қолиш ва таълим тизимига киритиш масалалари.

3-Мавзу: Замонавий ва анъанавий чолғуларда ўқитиши тизимини такомиллаштириш масалалари (2 соат)

Режа

1. Ўзбекистонда чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича таълим тизими.
2. Чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича таълимда амалий ижрони назарий таълим билан бойитиш ҳақида.
3. Ижрочиликда эришилган замонавий услубларни таълим тизимига татбиқ этиш масалалари.

Ўзбекистон мусиқий таълим босқичлари. Бошланғич мусиқий таълимнинг ислоҳ қилиниши ва мамлакатимизда яратилаётган шароит. Ўрта маҳсус мусиқий таълим муассасалари ва уларнинг чолғу ижрочилиги йўналишидаги бўлимлари фаолияти. Мусиқага ихтисослашган олий таълим муассасалари ва бўлимлар. Мусиқий таълимда узвийлик масалалари. Мусиқий таълимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Мусиқий таълимни такомиллаштиришда назарий таълимни амалий куникмалар билан мустаҳкамлаш масалалари. Анъанавий ва замонавий чолғуларда ижро маҳоратининг ўсиши. Ижрочиликда эришилган амалий кўникмалардан фойдаланган ҳолда мусиқий таълим муассасалари учун методик қўлланмалар яратиш масалалари. Мусиқий таълимда илмий тадқиқот масалалари. Ўзбекистонда чолғу ижрочилиги тарғиботи.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маъruzадан сўнг режалаштирилган дастлабки икки мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, саволжавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар қуий келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро қўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан маҳсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек мусика чолғуларидан амалий фойдаланиш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

Мавзу: Урма зарбли чолғулар таснифи ва улардаги ижро услубларининг тақомиллашуви (2 соат)

Режа

1. Урма зарбли чолғуларнинг анъанавий ва замонавий таснифи.
2. Шовқинли чолғулар ва улар тайёрланадиган материаллар турлари.
3. Маълум баландликка эга урма зарбли чолғулар.
4. Ўзбек миллий урма зарбли чолғулари ва уларнинг бошқа чолғулар билан ўхшашлиги.

Мавзу: Дамли чолғулар ва улардаги ижро услублари (2 соат)

Режа

1. Дамли чолғуларнинг турлари ва уларнинг таснифи масалалари.
2. Тилли дамли чолғуларнинг турлари ва улардаги ижро услублари.
3. Замонавий ва анъанавий дамли чолғулардаги боғлиқлик ва анъанавий ижро услубларидан мусиқий таълимда фойдаланиш масалалари.

Мавзу: Торли чолғуларнинг турлари ва улардаги ижро услубларининг бойитилиши (2 соат)

Режа

1. Торли чолғулар таснифи. Жаҳон ва ўзбек торли чолғулари.
2. Тирнама ва мезробли чолғулар гуруҳи.
3. Камонли чолғуларнинг турлари ва эволюцияси.
4. Зарбли-торли чолғулар ва уларнинг мусиқа маданиятига ўрни.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- тарихий манбалардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида мавзуни ўрганиш;
- Ўзбекистондаги таълим тизимида, мавжуд мусиқа жамоаларида фойдаланилаётган чолғулар билан таққослаш асосида хулосалар чиқариш;
- тарихий чолғуларнинг такомиллашиш ёки йўқолиб кетиш сабабларини ўрганиш;
- эълон қилинган танқидий материаллар асосида мустақил қарор қабул қилиш устида ишлаш;
- ўзбек миллий чолғуларининг қайта ишланиши ва такомиллашуви жараёнига ўз муносабатини ёзма баён этиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.

6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
7. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмок керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
13. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
14. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. - 176 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” газатаси 2009 йил 14 февраль.
17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози 2010 йил 28 январь.

18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тарақкий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Т.18. -280 б.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

П. Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрельда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533- сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4456-сон Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўtkазиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343 сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 декабрдаги “Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида”ги ПФ-1692-сон Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 16 апрелдаги “Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида”ги ПФ-3052-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-910-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асрар, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

III. Махсус адабиётлар.

1. Йўлдошев Т. Уд дарслиги. - Т.: Дарслик. 2008. – 346 б.
2. Одилов А. “Чанг” - Т.: Ўқув қўлланма, 2002. – 285 б.
3. Раҳимов Ш. Чолғу ижроилигига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.
4. Турапов З. Дутор бас. - Т.: Ўқув қўлланма, 2004. – 211 б.
5. Усмонов Қ. “Рубоб дарслиги” - Т.: Дарслик, 2004. – 312 б.
6. Шарипов Н. “Рубоб примада ижро этишни ўрганиш методикаси” - Т.: Дарслик, 2002. – 295 б.
7. Эргашев F. “Афғон рубоби дарслиги” - Т.: Дарслик, 2004. – 362 б.
8. Қосимов Р. “Анъанавий танбур ижроилиги” - Т.: Ўқув қўлланма, 2002. – 258 б.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/
5. www.learnenglishteens.britishcouncil.org/
6. www.learnenglish.britishcouncil.org/en/
7. www.gov.uz
8. www.lugat.uz
9. www.conservatory.uz
10. www.bimm.uz
11. www.uzdsmi.uz
12. www.uzdsmimarkaz.uz
13. www.classicmuzic.uz

КАЛЕНДАРЬ-МАВЗУЙ РЕЖА

№	МАВЗУЛАР	Машғулот турлари			Муддати
		назарий	амалий	мустақил таълим	
1.	Мусиқа чолғулари ва чолғу ижрочилиги тарихи	2			
2.	Ўзбек миллий чолғуларини қайта ишлаш ва такомиллаштириш жараёнига танқидий ёндошув	2			
3.	Ўзбек миллий чолғуларини қайта ишлаш ва такомиллаштириш жараёнига танқидий ёндошув		2		
4.	Ўзбек миллий чолғуларини қайта ишлаш ва такомиллаштириш жараёнига танқидий ёндошув			2	
5.	Замонавий ва анъанавий чолғуларда ўқитиш тизимини такомиллаштириш масалалари	2			
6.	Замонавий ва анъанавий чолғуларда ўқитиш тизимини такомиллаштириш масалалари		2		
7.	Урма зарбли чолғулар таснифи ва улардаги ижро услубларининг такомиллашуви		2		
8.	Дамли чолғулар ва улардаги ижро услублари		2		
9.	Торли чолғуларнинг турлари ва улардаги ижро услубларининг бойитилиши		2		
жами		6	10	2	

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-Мавзу: МУСИҚА ЧОЛҒУЛАРИ ВА ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ ТАРИХИ

Режа

1. Мусиқа чолғуларининг таснифи масалалари.
2. Мусиқа чолғуларини археологик топилмалар, қоятошлардаги суратлар, тарихий миниатюралар ҳамда қадимий қўлёзмалар воситасида ўрганиш.
3. Мусиқа чолғуларида гурухли ижрочилик тарихи. Замонавий чолғу жамоалари.

Мавзуга оид таянч иборалар:

мусиқа чолғуси, чолғулар таснифи, халқий (табиий) чолғу, сунъий чолғулар, чолғу жамоаси, чолғу ансамбли, фольклор чолғулари, кўҳна (қадимий) чолғулар, анъанавий чолғулар, этник чолғулар.

Президентимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида Самарақанд шахри ёнидаги Мўминобод қишлоғи худудида аёл кишининг қабридан тилла ва бронза буюмлари қаторида суждан ясалган най топилганлиги, бу эса заминимизда бронза даврида ҳам ўзига хос мусиқа маданияти мавжуд бўлганлигини фаҳр билан эътироф этади. Фарғона тог тизмасида жойлашган Саймалитош қоя чизмаларида топилган ва маросим қатнашчилари ўртасида тасвирланган айлана шаклидаги доирага ўхшаш чолғу ҳам эрамиздан аввалги II асрга оид деб ҳисобланади. Худди шунингдек, мустақиллик даврида топилган ва жаҳон моддий меросининг дурдоналари рўйхатига киритиш учун тавсия этилаётган “Сармишсой петроглифлари”да учрайдиган айрим мусиқа чолғуларининг тасвири ҳам буни яна бир бор исботлайди.

Ўрта Осиё худудида жуда қадимги замонлардан бошланган тарихий жараён эрамиздан аввалги биринчи мингийилликнинг ярмидан бошлаб ўз ўрнини бошқа турмуш тарзига, яъни давлатчиликнинг шаклланишига бўшатиб берди. Бунинг натижасида ушбу худуд ва Эрон заминида эрамиздан аввалги IV-III асрлардаёқ

бир нечта давлат пайдо бўлди. Ушбу давлатлардаги шаҳар маданияти асосан ўтрок дехқончилик ва ҳунармандчиликка асосланган бўлиб, аҳолининг бошқа бир қисми кўчманчилик турмуш тарзини сақлаб қолди ва уларнинг асосий фаолияти чорвачилик билан боғлиқ бўлганлигини тарихдан биламиз. Бу ерда яшаган аҳолининг мусиқа маданияти уларнинг турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ бўлганлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Эрамиздан аввалги 330-324 йилларда Ўрта Осиёни забт этган Александр Македонский бу ердаги мустаҳкам қальалар кўринишидаги шаҳарлар, қизғин ижтимоий ва маданий ҳаётни кўриб ҳайрон бўлган. Заминнинг истильоси даврида табиий равишда маҳаллий аҳоли маданияти ва турмуш тарзи жуда катта йўқотишларга учраши қаторида эллин маданиятига хос янгиликлар ҳам кириб келиб, аҳолининг ижтимоий ва маданий турмуш тарзини бойитди. Тарихчиларнинг таъкидлашларича бу даврда ўз мустақиллигини сақлаб қолган Хоразм маданияти ўз мустақиллигини йўқотган Парфия ва Бақтрияга қараганда камроқ ўзгаришни сезган.

Афросиёб (Самарқанд) харобаларидан топилган меҳнат қуроллари, турли жанг қуроллари, майший ва бадиий сопол буюмлар, тангалар ва бошқа ашёлар қаторида топилган сопол терракоталар (лойдан ясалиб, кейин оловда пиширилган, орқа томония яssi, юза қисми эса бўрттирилган кўринишдаги, бўйи ва эни тахминан 9-10 см. бўлган сопол) да акс эттирилган мусиқачи эркак ва аёлларнинг тасвирлари ўша давр мусиқа чолғулари ҳақида жуда қимматли маълумотларни беради. Уларнинг тахминий ёши эрамиздан аввалги III-I асрларига оидлиги аниқланган. Афросиёб терракоталарида энг кўп тасвирланган мусиқий чолғу уд ҳисобланади. Бу эса ушбу чолғунинг ўша даврда жуда кенг тарқалган севимли чолғу эканлигидан далолат беради. Тасвирларда уднинг уч ва тўрт торли кўринища ифодалангани қузатилади. Терракоталар яратилган даврдан кейинги ўтган 7-8 аср давомида ҳам бу чолғуларнинг кўриниши ва торларининг сонида деярли ўзгариш бўлмаган. Абу Наср Форобий томонидан яратилган “Мусиқа ҳақида катта китоб”да ҳам уд чолғуси худди шунга яқин тасвирланган. Форобийдан кейин яратилган мусиқий рисолаларда эса уднинг тўртинчи торига

қўшимча равища Форобий томонидан бешинчи тор киритилганлиги ва унинг сози квартал оралиғида созлана бошланганлиги ёзилган.

Афросиёб харобаларида топилган чолғулар тасвири орасида арфа чолғусининг ҳам ўз аксини топганлиги, бу чолғунинг ватани сифатида анча давргача Миср ҳисобланиб келинганлиги, лекин Олд Осиёда олиб борилган қазилмалар натижасида Ур династиясининг биринчи бўғини бўлган Шумер маликаси хилхонасадан (эрамиздан олдинги 3 минг йил) топилган 11 торли нафис безакли арфанинг топилиши унинг тарқалиш худуди (географияси)ни кенгайтириш қаторида нафақат Мисрга балки Олд Осиёга ҳам тегишли бўлиши мумкинлиги мазкур манбада келтирилган. Унда ёзилишича, бурчакли арфа ёйсимон арфадан кейин пайдо бўлган ва у Мисрга Осиёдан келтирилган. Шунинг учун ҳам уни “Осиё арфаси” деб аташган (22 бет).

Афросиёбдан топилган терракоталар орасида дамли (пуфлаб чалинадиган) чолғулар гуруҳига оид бир қатор найсимон чолғулар тасвири ҳам учрайди. Бу чолғуларнинг аксарияти бўйлама найлар бўлиб, уларнинг ижрочилари сифатида қўп ҳолларда аёллар тасвирланган.

Рус тилида продолжительный деб номланадиган ижро услубини биз қўйида

Афросиёб топилмалари орасидаги ёnlама най тасвири эрамиздан олдинги III-I асрларга таалуқлилигидан келиб чиқиб, ёnlама найнинг ватанини ҳам Ўрта Осиё деб белгилаш мумкин. Бу топилмалар орасида кичик ҳажмдаги бўйлама чолғу тасвири ҳам учрайди. Муаллиф бу чолғунинг қай турдаги най типига кириши тўғрисида аниқ фикр билдириласа-да, сибизга ёки сопол най бўлиши эҳтимоллигини баён этади.

Афросиёбда топилган терракоталарда танбурсимон чолғулар ва зарбли чолғулар (барабан, тарелка) тасвири ҳам учрайди.

Мазкур манбада Парфиёна (манбада Парфиена) давлатининг (ҳозирги Туркманистон ҳудуди) пойтахти бўлган Найса (манбада Ниса) жойлашган худудда олиб борилган қазилмалар чоғида топилган ритонлар (фил суюги билан безатилган шоҳсимон идишлар)да ишланган ранг-баранг тасвирлар мутахассисларни лол қолдирганлиги ҳам баён этилади. Ушбу тасвирлар орасида

мусиқа чолғуларидан – кифара, танбурсимон чолғу, Пан флейтаси, авлос, доирасимон чолғу ва тарелкаларнинг аниқ акс эттирилишини кузатиш мумкин (29-бет). Манбага таянган ҳолда шуни айтиш мумкин-ки, кифара ҳам лира (хозирда тасвири мусиқани ифодаловчи мусиқа чолғуси)симон чолғудир. Кифара профессионал чолғу бўлса, лира ҳаваскорлар томонидан фойдаланилган. Авлос (грекча номланиши) – сурнайсимон чолғу бўлиб, унинг қувур қисми алоҳида, пулланадиган қосми алоҳида тайёрланади. Яъни асосий товуш сурнай ва гобойдаги сингари “най пачоқ” қисми билан боғлик. Пан флейтаси (грекча) эса бир-бирига бирлаштирилган қувурлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида алоҳида товуш ҳосил қилинади. Унинг номланиши грек худоси Пан номи билан боғлик бўлиб, ушбу худо доимий равишда мазкур чолғуни ушлаган ҳолда тасвирланади. Грек муаллифларининг гувоҳлик беришича, ҳар икки чолғу ҳам уларга Шарқ мамлакатларидан кириб келган (30-31 бетлар). Хозирда жуда кўп Шарқ халқларида (Хитой, Индонезия, Корея, Япония ва бошқа) авлос типидаги ва Пан флейтаси типидаги чолғулар учрайди.

Найса ритонларида тасвирланган зарбли чолғулардан бири – дойралардир. Бу тасвирлардаги дойраларнинг кўриниши ва ҳажми ҳозирги ўзбек дойраларидан жуда кам фарқланади. Шуниси эътиборлики, аксарият ҳолларда дойра ижроҷилари сифатида аёллар тасвирланган. Бу ҳолатни муаллиф диний маросимлар билан боғлашга ҳаракат қиласи (32 бет).

Найса ритонларида тасвирланган тарелкалар икки хил кўринишга эга. Биринчиси – раққоса аёллар кўлига маҳсус тасма билан боғланган пиёласимон шаклда бўлса, иккинчиси – чолғучилар қўлидаги ясси кўринишдаги тарелкалардир. Россиядан Ўрта Осиёга келиб (19 асрнинг охири) капелмейстер лавозимида фаолият кўрсатган Август Эйхгорн томонидан жамланган коллекциядаги тарелка ясси тарелкага яқин кўринишга эга.

Туркманистоннинг жанубий қисмида муқаддам ҳукм сурган Марғиёна давлатининг маркази Марв (ҳозирги Байрам Али шаҳри яқини) ўрнида топилган терракоталарда ҳам мусиқа чолғуларининг тасвири учрайди (33 бет). Бу ерда Афросиёб удига ўхшаш уд чолғуси ва ундан фарқланадиган, суворий (отлик)

қўлида тасвирланган дўмбирасимон чолғуни алоҳида кўрсатиш мумкин. Муаллифнинг фикрича, суворий қўлидаги чолғу Тоғли Олтой ва Ҳакасия ўлкаларида “тошпур”, “хомус” каби номланадиган бахшилар чолғуларига жуда ўхшаб кетади. Нима учундир ушбу чолғунинг ҳозиргача Сурходарё ва Қашқадарё бахшиларининг совимли чолғуси бўлган дўмбира билан алоқадорлиги масалалари ёритилмаган (Ў.Т.).

Македонский истильосидан омон қолган антик Хоразм маданиятига оид ёдгорликлар – тасвирий санъат ва ҳайкалтаръошлиқ намуналари, сопол буюмлар ва терракоталардаги мусиқа чолғуларининг тасвири (Кўй қирилган қалъа ва Тупроқ қалъа топилмалари) эрамиздан олдинги IV-III асрларга оид маълумотларни беради. Бу ерда энг қадимий даврларга оид арфа ва кифарани, кейинги даврларга оид кўплаб тирнама чолғуларни келтириш мумкин (34-35 бетлар). Тирнама чолғулар ичida дўмбирасимон ёки дуторсимон чолғулар учрайди ва муаллиф бу чолғуларни кўчманчи халқлар чолғусига, Афросиёб улдарини эса шаҳар чолғусига киритади.

Биз юқарида қайд этганимиздек, Ўрта Осиёning греклар томонидан истильо қилиниши маҳаллий тамаддун натижаларининг греклар томонидан ўзлаштиришлари ва ўз навбатида эллин маданиятининг маҳаллий халқ турмуш тарзига сингдирилишига сабаб бўлган. Македонский томонидан ишғол қилинган ҳудудларга эллин маданиятининг таъсири борасида Фармер “... греклар Шарққа бергандан кўра кўпроқ нарсани олган” лигини эътироф этади.

Ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудида хукм сурган Кушон давлатининг эски шаҳарлари ўрни (ҳозирги Холчаён ва Далварзинтепа) да олиб борилган қазилма ишлари натижасида ҳам мусиқа чолғуларига оид (эрамиздан олдинги I аср) артефакtlар топилган. Хусусан, Холчаёндаги Сарой харобаларида топилган лойдан ишланган ва юпқа бўёқ берилган ҳайкаллар мажмуаси ичida уд ушлаган аёлнинг тасвири алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, тўла сақланмаган бўлса-да, унинг либоси ва юз тузилишига кўра бу аёл маҳаллий аҳоли вакили эканлигини аниқлаш мумкин. Далварзинтепадан топилган терракоталарда ҳам уд ва арфа ижроҷиларининг тасвири учрайди.

Биз таҳлил этаётган даврда маданий алмашувлар нафақат узок ўлкаларга қараганда ёнма-ён жойлашган мамлакатлар билан кенгрөк бўлган. Ўрта Осиё ва Эрон ўртасидаги маданий алмашув ҳақида шундай фикрлар мавжуд. Ўша даврда Сўғд ва Хурсонда бир хил чолғулар мавжуд бўлган. Яна қизифи шундаки, сосонийлар давридаги Форс давлатининг машҳур мусиқачиси бўлган Борбад асли Ўрта Осиёлик (Марвлик) бўлган ва эрон мусиқа тизимидағи етти асосий мақомлар (пардалар)нинг ихтиросини унинг номи билан боғлашади. Хусрав II саройига келган Борбад мукаммал шаклланган мусиқачи бўлиб, ўзи билан ватанида жуда кенг тарқалган барбат чолғуси билан бирга унда ижро этиш техникасини ҳам олиб келганлиги аниқ.

Япон императорларига совға қилинган буюмлар орасида сақланган ва Ўрта Осиёдан келтирилган (IX-X аср) уд чолғусининг дека қисмига туширилган тасвирида иккита чолғучи ифодаланган. Уларнинг бири мизроб билан уд чалаётган ҳолда тасвиранган бўлса, иккинчиси жуда аниқ тасвиранмаган ва у камон билан тик ҳолда ушланган чолғуни ижро этаётганлиги аниқ. Бу чолғу ёки икки торли камон билан чалинадиган рубоб, ёки қошиқсимон кўринишда тайёрланадиган қўбиз чолғуси бўлиши мумкин. Қўбиз чолғусининг қозоқларда пайдо бўлиши (мусиқашунос Б.Сарибоев фикрича) ярим афсонавий Кўркут номи билан боғланади.

IX-XI асрларда яшаб ижод қилган Ўрта Осиёning буюк донишманлари – Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал Хоразмий, Абу Райхон Берунийлар ўз давридаги мавжуд барча дунё илмларини пухта эгаллаш ва таҳлил қилиш эвазига ўз таълимотларини яратишга эришдилар. Бу назариялар ва илмлар энг илғор ва мукаммал бўлганлиги боис нафақат Араб халифалиги худудида, балки бутун жаҳонда бир неча асрлар давомида дунё илмининг ривожланиш йўлини белгилаб берди.

Араб тилининг ислом дини қабул қилинган барча мамлакатларда давлат тили сифатида жорий этилиши бир томондан нокулайлик түғдирган бўлса, иккинчи томондан ушбу мамлакатларда яшаган илм аҳлиниң араб тилига таржима қилинган грек фалсафаси ва илмидан баҳраманд бўлиш имконини

яратди. Бу даврда Аристоксен (“Гармоника”, “Ритмика”), Аристотель (“Муаммолар”), Евклид (“Гармоника”, “Канон”), Птоломей (“Гармоника”) ва бошқа муаллифларининг асарлари араб тилига таржима қилинган эди. Ушбу асарларнинг танқидий ўрганилиши натижасида IX-XI асрлар давомида Ўрта Осиёning буюк олимлари – Форобий, Ибн Сино, ал-Хоразмийлар томонидан ўз даврининг мукаммал мусиқа назарияси ишлаб чиқилди. Бу асарларга юз йиллар давомида Ғарб ва Шарқ мусиқашунослари энг мукаммал манба сифатида мурожаат этдилар. Ўша даврларда мусиқа илми математика илмининг таркибий қисми сифатида қабул қилинган эди. Буюк олимларнинг асарларида мусиқа товушининг ҳосил бўлиши, мусиқий товушларнинг ўзаро муносабати, уларнинг тартиби, интерваллар, ладлар, товушларнинг қўшилиши асосида ҳосил қилинадиган куйлар ҳақидаги маълумотлар билан бирга мусиқа чолғулари тўғрисида ҳам жуда қимматли маълумотлар берилган. Ана шу даврдан бошланган мусиқа илми XИИ аср бошларида Фахруддин ар-Розий (“Илмлар мажмуаси”нинг бир бўлими мусиқага бағишлиланган), XIII асрда Сафиуддин Урмавий “Рисолатун аш Шарафия” ва “Китоб ул адвор”), XIVасрда эронлик олимлар аш-Шерозий ва ал-Амули, XV асрда Абдураҳмон Жомий (“Мусиқа ҳақида китоб”), ал-Хусайний, Абдулқодир Мароғий, XVI-XVII асрларда бухоролик Кавқабий ва Дарвиш Алиларнинг асарлари билан янада бойитилди.

Абу Наср Форобий эллин фалсафаси номёндалари (грек олимлари)нинг асарларини батафсил ўрганиш асосида Ўрта Осиёда биринчи бўлиб мусиқа назариясини яратган олим ҳисобланади. Унинг “Мусиқа ҳақида катта китоб”и нафақат мукамал мусиқа назарияси, балки чолғушунослик бўйича ҳам аждодларимиз томонидан яратилган ilk манбади. Ушбу йирик рисоланинг иккинчи китоби мусиқа чолғуларига бағишлиланган. Ушбу манбада энг мукаммал чолғулардан бири сифатида уд келтирилади. Бу даврда уднинг тўртта тори бўлганлиги, уни янада яхшироқ қилиш учун бешинчи тор ҳам киритилиши мақсадга мувофиқлиги баён этилади. Шундан келиб чиқиб, айрим муалифлар, шу жумладан Абдураҳмон Жомий уд чолғусига бешинчи торни Форобий киритган, деган холосага келади. Аслида эса Форобийгача даврда яшаган ал-Киндий

(тахминан 790-847 йиллар) уд чолғусига 5-тор киритилиб, у хайвон ичагидан эшилган ҳолда тайёрланганлиги ва ёғочдан ясалган мизроб (плектр) ўрнига суяқдан ясалган мизроб ишлатила бошлангани тўғрисида маълумот беради. Форобийнинг китобида уд чолғусининг тасвири берилмаган бўлса-да, унинг замондоши бўлган Бағдод халифаси Жаъфар ал Муктидир (манбада Джафар ал-Муктидир-би-алах) ўзининг уд чолғусини ушлаб турган ҳолатини кумуш тангада зарб қилдиргани боис Форобий давридаги уд тўғрисида тасаввур қилиш мумкин.

Форобийнинг китобида келтирилишича, танбур ўз садосига кўра удга энг яқин чолғу. Бу даврдаги танбурнинг иккита, баъзида учта тори бўлган. Форобий икки турдаги танбур тўғрисида маълумот беради. Уларнинг биринчиси – хуросон танбури, иккинчиси – бағдод танбури. Уларнинг шакли ва товуш қаторида фарқи бор эканлиги, бағдод танбурида 5 та боғлама парда мавжудлиги учун унда фақат қадимий куйларни ижро этиш мумкинлиги, агар у такомиллаштирилиб, товуш қатори ўзгартирилса қадимий куйларни чалиш имконияти чегараланиб қолиши мумкинлигини маълум қиласди. Аксинча, хуросон танбуридаги доимий (қўзғалмас) 5 та пардадан ташқари 13 та суриладиган пардалар мавжудлиги ва унда турли хил куйларни чалиш имконияти бирмунча кенглиги айтилади. 5 та ўзгармас (муқим) пардаларнинг биринчиси – харрак ва шайтон харрак орасидаги масофанинг тўқиздан бир қисмида, иккинчиси – тўртдан бир, учинчиси – учдан бир қисмида, тўртинчиси – teng ярмида, бешинчиси харрак билан тўртинчи парда орасидаги масофанинг тўқиздан бир қисмида жойлашганлиги маълум қилинади. (79 бет).

Форобийнинг китобида дамли (пуфлаб чалинадиган) чолғулар тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Унда келтирилган биринчи чолғу бўйлама най бўлиб, тожикларнинг тутак чолғусига яқин бўлган бўлса керак. Ушбу бўйлама найнинг устки қисмида 7 та орқа томонида 2 та тешик бўлган.

Ушбу манбада келтирилган (муаллифнинг таъбирича сурнай) яна бир чолғунинг устки қисмида 8 та, орқа томонида 1 та ва ён томонида 2 дона тешиги мавжудлиги баён этилади. Муаллиф (Т.С. Визго) Форобий ушбу чолғуни найлар гурухига нотўғри киритган, деган холоса беради. Бизнинг фикримизча, бу

ҳақиқатан ҳам ёnlама най бўлиши мумкин. Чунки, ҳалигача деярли ўзгармаган най чолғусида ҳақиқатан ҳам 1 та ҳавони юбориш тешиги, 6 та товуш баландлигини бошқарадиган тешик қаторида унинг юза қисмida 2 та фойдаланилмайдиган тешик ва орқа ёки ён томонида яна битта фойдаланилмайдиган тешик мавжуд.

Форобий яна бир чолғу – қўшнай тўғрисида ҳам маълумот келтириб, уни дубай деб атайди (балки аслида дунай, яъни икки най маъносидадир).

Манбада “рубоб” номи билан келтирилган чолғу икки ёки битта торли бўлганлиги ва унинг товуши инсон овозига яқинлигини ҳисобга олган ҳолда бу ерда ғижжак чолғуси ҳақида гап кетаётганлигини фаҳмлаш мумкин. Чунки, араблар ҳозиргача ғижжак чолғусини “рабоб” деб атайди (Ў.Т.). Бу чолғу кварта оралиғида, уд чолғусининг иккинчи ва учинчи торига мос ҳолда созланиши баён этилган.

Арфа чолғуси – ҳар битта товуш ҳосил қилиш учун алоҳида тор тортиладиган чолғулар қаторига киритилиб, ўша даврда унинг 11 ёки 12 торли турлари тарқалганлиги, ижрова қулайлик бўлиши учун унинг 15 торли тури анча маъқул эканлиги, ушбу чолғунинг янада мукаммал бўлиши учун унинг торлари сонини 25 тага етказиш лозимлиги айтилади. Арфага бағишлиланган қисмда яна бир арфасимон чолғу – маъзиф тўғрисида ҳам қисқа маълумот келтирилган. Шу билан мусиқа чолғулари тўғрисидаги маълумотлар якунланади. Лекин бошқа бир бўлимда товуш оралиги ва баландлигини аниқлаштириш учун параллелепипед асосга 15 дона тор тортилган чолғуни тавсия этади. Бу чолғунинг ўша даврда истеъмолда бўлган “шоҳруд” ёки унинг оиласига кирувчи чолғу эканлигини тахмин қилиш мумкин.

Форобий даврига яқин муддатда яшаган Абу Али ибн Сино ҳам мусиқани математика фани таркибиға киритган ва ўзининг “Китоб уш Шифо” асарининг бир қисмини мусиқага бағишилаган. Ушбу нашрда у торли чолғуларни биринчи марта турларга ажратган ва уларни:

- мизробли (танбур, барбат);
- резонатор устига торлари тортилган (шоҳруд);

- иккита асосга торлари тортилган (лира);
- камон воситасида товуш ҳосил қилинадиган (рабоб) чолғуларга ажратади.

Абу Али ибн Сино Форобийдан фарқли равища ҳозирда уд номи билан машхур чолғунинг эски – барбат номи билан келтирилади. Барбат асли туркийзамин ва эронзаминда жуда қадимдан мавжуд бўлиб, унда ВИИИ асрда биринчи бўлиб араб мусиқасини ижро этган шахс Ибн Сурайи бўлганлиги Фармер томонидан эътироф этилган. Шу даврнинг ўзида яшаган ал Хоразмий ҳам барбат – бу уд чолғуси эканлиги, бар – кўкрак, бат – ўрдак, яъни ўрдак кўкрак эканлигини ёзган. Ҳақиқатан ҳам даврлар таъсирида ўзининг қўринишини йўқотмаган уднинг ён томонидан қаралса, бунга амин бўлиш мумкин.

Ўша давр мусиқа чолғулари тўғрисида маълумот берувчи яна бир манба “Мафотиҳ ал улум” бўлиб, у Форобий ва Ибн Синоларга жуда яқин даврда яшаган Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал Хоразмий томонидан тузилган. Ушбу асар иккинчи мақоласининг 7-боби “Мусиқа ҳақида” деб номланади ва ушбу бобнинг 1-фасли тўлалигича мусиқа чолғуларига бағишиланган.

Деярли бир даврда яшаган уч олимнинг мусиқага оид назарияси ва таълимотини XIII асрда яшаган Сафиуддин Урмавий нафақат тўлдириди, балки янада ривожлантириди. Форобий ва бошқа олимлардан фарқли равища у мусиқа чолғуларига бағишиланган махсус рисола қолдирмаган бўлса-да ўз асарларида биринчи маротаба уд чолғуси воситасида аниқ мусиқий товуш ҳосил ўрнини белгилади ва уларга араб альфавити асосида номлашни тавсия қилди. Бу эса ўз навбатида товушлар баландлигини аниқлаш ва қоғозда ифодалаш имконини берди. Товушлар баланлигини аниқлаш нисбий (абсолют, центларга таянмаган), яъни уднинг қайси баланликдаги товушга созланишига нисбатан бўлса-да, кейинчалик замонавийnota тизимининг дунёга келиши учун асос яратди.

“Рисолатун аш Шарафия” асарида муаллиф уднинг ўша замонда энг мукаммал чолғу эканлигини эътироф этиб, унда бешта жуфт тор мавжудлиги, торлар кварта оралиғида созланиши, уднинг дастасида 7 та парда (ёки товуш

хосил қилиш ўрни Ў.Т.) мавжудлиги тўғрисида маълумот берди ва ҳар бир пардага ўша даврнинг машхур ижрочилари берган номларни ёзиб қолдирди.

Сафиуддин Урмавий ўзининг “Китоб ул адвор” (манбада Китаб ул-адвар) асарида уд чолғусининг тасвирини ҳам келтирган. Урмавийдан кейин уд чолғусининг 5 та тори ва 7 та пардаси тўғрисидаги маълумотлар аш Шерозий (1236-1310), Абдураҳмон Жомий (1414-1492) ва ал Ҳусайнин (XV асрнинг иккинчи ярми) асарларида ёзилган. Уд чолғусининг созланиши, товушқатори билан бир қаторда унинг батафсил чизмаси Абдураҳмон Жомийнинг “Мусика хақида китоб”ида учрайди.

Фижжак тўғрисидаги маълумотларга келсак, Абдулқодир Мароғийнинг китобида келтирилишича, фижжак ва кеманча аслида битта чолғу бўлиб, биринчисининг косахонаси каттароқ, кейингисиники эса кичикроқ ҳажми билан фарқланади. Бундан ташқари, ўша даврларда уларга тортиладиган асосий торлар 2 тадан бўлиб, фижжакда чолғусида қўшимча 7 дона резонатор торлар ҳам қўлланилганлиги баён этилади.

Дутор чолғуси тўғрисидаги ilk маълумотлар XV асрга оид ал Ҳусайнининг қўллёзмасида учрайди. Бироқ бу чолғу тўғрисида тўлиқ тасаввур хосил қилишнинг имконияти чегараланган. Ундаги ижро услуби аниқ ёритилмаганлиги боис кўплаб тадқиқотчилар “дутор” атамаси танбурнинг 2 та торли тури бўлиши мумкин, деб хулоса чиқаришларига имконият яратади.

Форобий биринчи бўлиб инсон овозини энг мукаммал чолғу сифатида эътироф этган бўлса, бу фикр Ибн Сино ва аш Шерозий томонидан яна бир бора таъкидланган. Ушбу алломаларимизнинг асарларида инсон овозига энг яқин чолғулар биринчи навбатда дамли (пуфлаб чалинадиган) чолғулар бўлса, ундан кейинги ўринда торли-камонли чолғулар эканлиги ва ундан кейин уд ва танбур туриши эътироф этилади.

XVII асрда бухоролик буюк ҳофиз, созанда Дарвиш Али Чангий томонидан яратилган рисола ўша даврга хос жуда кўп мусика чолғулари ҳақидаги ўта қимматли маълумотларни ўз ичига олган. Дарвиш Али Мовароуннаҳр ҳукмдори Иномқулихон (1611-1642) саройида мусиқачи бўлиб хизмат қилган. У яратган

рисоланинг бешинчи ва олтинчи боблари мусиқа чолғуларига бағишлиланган. Хусусан, унда танбур – жуда қадимий мусиқа чолғуси ва бошқа чолғуларнинг устози эканлиги, чанг – Зухро юлдузига бағишлиланган 26 та торли ва 7 мақомни ижро этиш хусусиятига эга чолғулиги, най – 8 та тешикли қадимий дамли чолғу ва унда барча 12 мақомларни ижро этиш мүмкінлиги, қонун – 6 хил созланиши мүмкін бўлган тирнама чолғу эканлиги, уд – барча чолғуларнинг подшоси бўлиб, унинг 6 жуфт ипак торлари борлиги ҳақида маълумотлар берилган. Мазкур асарда Бухоро ва Самарқандда кенг тарқалган рубоб (мизробли Ў.Т.), ғижжак, қўбиз чолғулари, шунингдек, маҳаллий аҳоли томонидан кам қўлланиладиган мусиқор (Пан флейтаси туридаги), найи-энбан (жунали териси бор дамли чолғу?), руҳавза (олти торли тирнама чолғу), кунгур (5 та ладли хинд чолғуси), арғанун (мешли дамли чолғу) ҳақида ҳам ёзилган. Дарвиш Али томонидан келтирилган 16 та чолғунинг 7 таси (танбур, чанг, қонун, уд, рубоб, қўбиз, ғижжак) ўша даврда жуда оммалашганлигини рисоланинг навбатдаги бобларидан билиб олиш мүмкин. Чунки унда мазкур чолғуларнинг ижро чилари улар учун яратилган асарлар тўғрисида сўз боради. Бу бобларда юқорида қайд этилмаган най, дутор, балабон, сурнай, ноғора чолғучилари тўғрисида маълумотлар киритилгани ҳолда, руҳавза, кунгира, мусиқор чолғуларининг ижро чилари тўғрисида умуман маълумот берилмаган. Бу эса мазкур чолғуларнинг ўша даврда истеъмолда деярли бўлмаганлигини билдиради.

XV-XVII асрларда мусавирлар томонидан юксак маҳорат билан ишланган миниатюралар ҳам ўша давр мусиқа чолғулари тўғрисида қимматли маълумотларни беради. Баъзи миниатюралар, хусусан, Фидавсийнинг “Шохнома”сига ишланган миниатюраларда қадимирик чолғулар тасвирланган. Чунки, “Шохнома”га ишланган миниатюраларнинг энг биринчиси ХИВ асрга, яъни асар яратилгандан кейин 300 йилдан ортиқ кейинги даврга оидdir. “Шохнома”нинг XV асрдаги нашрига ишланган миниатюраларда мусиқа чолғулари аниқрок тасвирланганлиги билан ажралиб туради. Бу нашрдаги миниатюраларда уд чолғуси жуда кўп тасвирланади. Уд (барбат) чолғусининг моҳир ижро чиси Борбад яшаган даврдан то миниатюрада акс эттирилганингача

деярли беш аср ўтган бўлса-да, бу даврда чолғу кўринишининг деярли ўзгармаганлиги мусавирларга унчалик қийинчилик туғдирмаган.

Шу даврда нашр этилган “Шохнома”га ишланган миниатюраларда арфа, уд, танбур ва рубоб чолғулари ўрин олган. Асар қаҳрамонларидан бири – Озоданинг қўлида тасвиrlenган арфа чолғусининг 14 тори жуда аниқ тасвиrlenган. Кўплаб миниатюраларда арфа чолғусига дойра жўр бўлиши тасвиrlenади (манбада арфа чолғуси “чанг” атамаси билан берилган. Ў.Т.). Арфа чолғусида эркаклар, ўсмир йигитлар, кўпчилик ҳолларда эса аёллар ижрочи сифатида тасвиrlenади. Яна бир миниатюрада кекса аёл (балки жодугардир) қўлида 3 та торли танбурсимон чолғу тасвиrlenган бўлиб, унинг боғлама пардалари 13 тани ташкил қиласди.

Миниатюраларда рубоб чолғуси ҳам учрайди. Лекин у арфа ва уд чолғуларига нисбатан камроқ тасвиrlenганлиги амалиётдаги нисбатан камроқ ишлатилганлигини билдиради.

Ушбу чолғулар қаторида қонун чолғуси ҳам миниатюралардан жой олган. Лекин қонун чолғусига нечта тор тортилгани, қулоқларининг сонини илғаб олишнинг имконияти йўқ. Фақат қонун чолғуси созандаларнинг тиззасига қўйилиб, тирнаб чалинаётганини кузатиш мумкин.

Ушбу асарга ишланган миниатюралардан бирида ғижжак чолғуси ҳам ўз аксини топган. Тасвиредаги ғижжак камон воситасида чалингани, унинг косахонаси ярим шар шаклида, дастаси эса юқори томон кенгайиб борувчи шаклда эканлигини илғаш мумкин. Аммо унинг нечта торли эканлигини илғаб бўлмайди.

Худди шундай кўринишдаги ғижжак Амир Хусрав Дехлавийнинг “Хусрав ва Ширин” поэмасига Камолиддин Бехзод (1455-1537) томонидан ишланган миниатюрада ҳам тасвиrlenган.

Шу асарга ишланган яна бир миниатюрада уч кишидан иборат чолғучилар ансамбли тасвиrlenган бўлиб, уларнинг иккитаси – най ва дойра ижроҷилари, учинчиси эса қарсак чалиб турган ўсмир йигитдир. Миниатюрада ўз аксини топган най бўйлама найдир. Афсуски, худди Афросиёб топилмаларидағи каби бу тасвирида ҳам найнинг нечта тешиги бўлганлигини аниқлаб бўлмайди.

Бошқа миниатюраларда тасвириланган чолғу ансамбларининг таркиби турлича. Масалан уларда чанг, дойра, най таркибли, чан, уд, танбур, рубоб таркибли кўринишда учрайди.

Аксарият миниатюраларда ов ва жанг жараёнларини тасвирилашда кучли овоз чиқарадиган чолғулар иштирок этади. Булар асосан, карнай, сурнай, тарелка, ноғора ва литаврасимон катта урма чолғулардир.

Миниатюралардан шуни кузатиш мумкинки, чолғу ансамбларининг икки хил – камер (асосан ёпик жойда ижро учун мўлжалланган чолғулардан ташкил топган) ва очиқ ҳавода чалишга мўлжалланган ансамблар шу даврда деярли шаклланиб бўлган. Миниатюраларда тасвириланган карнайлар икки хил кўринишга эга. Булар – тўғри ва тирсакли карнайлардир. “Шохнома”нинг 1440 йилги нашрига тайёрланган миниатюрада жанг қилаётган ҳар икки томоннинг алоҳида чолғу ансамблари тасвириланган. Бу ердаги ҳар икки ансамбль чолғулари таркиби бир хил. Лекин бу миниатюрада мұқаддам тасвирий санъат асарларида тасвириланмаган икки томонига тери тортилган барабан ҳам ўз аксини топган.

Миниатюрага бой нашрлардан яна бири Алишер Навоийнинг “Хамса”сидир. Мазкур асарларга ўша давр мусаввирлари томонидан ишланган миниатюраларда чанг, ғижжак, дойра, рубоб, танбур, дуторсимон чолғу, уд, сурнай, карнай, ноғора, най чолғулари акс этирилган.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Энг мукаммал чолғу (Фаробий таълимотига кўра) нима?
2. Мусика чолғуларини Шарқ олимларидан кимлар таснифлаган?
3. Ҳозирги кунда ўзбек чолғулари нечта ва қайси гуруҳларга бўлинади?
4. Торли чолғуларнинг турларини айтиб бера оласизми?
5. Дамли чолғуларнинг турларини санаб бера оласизми?
6. Ўзбек камонли чолғуларини санаб бера оласизми?
7. Чанг чолғуси бизнинг ҳудудимизга қачон кириб келган?
8. Ўрта Осиё миллий чолғулари коллекцияси ким томонидан биринчи маротаба тўпланган?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.Беляев Музыкальные инструменты Узбекистана Москва 1933 г
2. Т.С.Вызго Музыкальные инструменти Средней Азии. Музыка. 1980
3. Ал-Фараби. Трактаты о музыке и поэзии Пер.с арабского.— Алматы: Гилим, 1993.

2-Мавзу: ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИГА ТАНҚИДИЙ ЁНДОШУВ

Режа

1. Ўзбек миллий анъанавий чолғулари. Фольклор чолғулари.
2. Ўзбек миллий чолғуларини такомиллаштириш ва қайта ишлаш жараёнида хорижий мутахассислар ва маҳаллий созгарларнинг иштироки.
3. Такомиллаштирилган ва қайта ишланган ўзбек миллий чолғуларининг ҳозирги кунда мусиқа маданиятимизда фойдаланилиши масалалари.

Мавзуга оид таянч иборалар:

дамли чолғулар, урма чолғулар, торли чолғулар, тилли дамли чолғулар, урма жарангли торли чолғулар, тирнама чолғулар, мезробли (плекторли) чолғулар, камонли чолғулар, фольклор чолғулари, реконструкция қилинган (қайта ишланган) чолғулар, такомиллаштирилган чолғулар, қайта тикланган чолғулар, чолғу гурӯҳи, чолғу оиласи.

Биз яшаб турган худудимизда ишлатиладиган миллий мусиқа чолғуларининг турлари ниҳоятда кўп. Агар улар номма-ном санаб чиқилса, 50 тадан ортиқ сони ташкил этади. Шулар ичидаги 18 номдаги мусиқий чолғу XX асрнинг 30-йиллари охиридан бошлаб янгидан яратилган мусиқий чолғулар ҳисобланади ва улар асосан оркестр ва кўп овозли ансамблларда фойдаланиш учун мўлжалланган. Бу чолғулар муқаддам мавжуд бўлган миллий мусиқа чолғулари шаклини йириклиштириш ёки кичикроқ кўринишга келтириш асосида яратилган бўлиб, ўша чолғу оиласини яратиш устида олиб борилган тажрибалар натижасида яратилган. Тажрибалар най, чанг, рубоб, дутор, ғижжак, қўбиз чолғуларининг

оиласини дунёга келтирди.

Қадимдан мусиқа ижрочилигига ишлатиб келинган, тараққиёт натижасида маълум ўзгаришларга учраган мусиқа чолғулари овоз ҳосил қилиш хусусиятига кўра турланади. Жаҳон мусиқа маданиятида фойдаланиладиган мусиқа чолғулари - ҳаво орқали товуш ҳосил қилинадиган, торни тебратиш орқали товуш ҳосил қилинадиган ҳамда зарб (уриш) орқали товуш ҳосил қилинадиган чолғуларга бўлинади. Зарбли чолғулар таркибига торни уриш орқали товуш ҳосил қилинадиган чолғулар кирмайди.

Инсоният ривожланиши давомида яратилган мусиқий чолғулар, мантикий жиҳатдан олиб қараганда, бирин-кетин пайдо бўлганлигини кузатиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, энг аввало урма зарбли чолғулар, кейин ҳаво воситасида товуш ҳосил қилинадиган – дамли чолғулар ва ундан кейин торли чолғулар дунёга келган.

Урма зарбли чолғуларнинг ўзи ҳосил қилинадиган товуш хусусиятига кўра 2 турга бўлинади. Булар:

- ҳосил қилинадиган товуш маълум баландликка эга бўлиб, куй ижро этиш имконияти бўлган чолғулар;
- фақат усул ҳосил қилишда фойдаланиладиган, маълум мусиқий баланликдаги товушни ҳосил қилмайдиган чолғулардир.

Ҳаво воситасида товуш ҳосил қилинадиган чолғулар ўз навбатида:

- бевосита қувур ичидан товуш ҳосил қилинадиган;
- тил ёрдамида товуш ҳосил қилинадиган;
- ҳаво йўналишини ўзгартириш асосида товуш қосил қилинадиган чолғуларга бўлинади.

Торли чолғулар:

- тирнаб чалинадиган;
- уриб чалинадиган;
- камон билан товуш ҳосил қилинадиган;
- мезробли чолғулар гурухларига бўлиниб кетади.

Баъзи мусиқий чолғулар айнан бирор гурухга кирмасдан у ёки бу гуруҳдаги

маълум хусусиятларни бирлаштирган ҳолатда ҳам учрайди. Масалан, чангқўбиздаги асосий товуш темир, ёғоч ёки қамиш парчасини тебратиш орқали ҳосил қилинсада, уни тингловчиларга эшиттириш учун инсоннинг оғиз бўшлиғи резонатор вазифасини бажаради ва бунда нафас олиш ва чиқариш услубидан, яъни ҳаводан фойдаланилади.

Миллий маданиятимизда қўлланиладиган мусиқа чолғуларини фойдаланиш ўринларига қараб шартли равишда 2 гурухга - профессионал ижрочиликда қўлланиладиган ва қадимий фольклор чолғулари турларига ажратиш мумкин. Профессионал ижрочиликда қўлланиладиган чолғуларнинг ўзи ҳам анъанавий мусиқа ижрочилигига ишлатиладиган чолғулар ҳамда академик ижрода ишлатиладиган чолғулар турларига бўлинниб кетади. Биз қуйида анъанавий Мусиқа ижрочилигига ҳам, академик ижрода ҳам кенг қўлланиладиган чолғулар билан қисқача танишамиз.

Най – жуда қадимий дамли (пуфлаб чалинадиган) мусиқа чолғуси бўлиб, қаттиқ ёғоч танасидан ёки бамбуқдан ясалади. Найда товуш ҳосил қилиш қувурда очилган тешик орқали ҳавони қувурнинг очиқ томонига йўналтириш орқали ҳосил қилинади. Унда бир дона пуфланадиган ва 6 дона товуш баландлигини ўзгартирадиган тешиклар бўлади. Най табиатан диатоник товуш қаторига эга бўлиб, зарур бўлганда товушларни кўтариш ва тушириш най тешикларини қисман ёпиш орқали амалга оширилади. Чолғучилар учун бундай мураккабликларни туғдирмаслик мақсадида баъзи халқларда ҳар бир тоналлик учун алоҳида найлар тайёрланади. Най чолғусига айнан ўхшайдиган ёки бироз бошқачароқ кўринишдаги мусиқий чолғулар деярли барча шарқ халқларида, шунингдек арабларда ва айрим Европа халқларида учрайди. Найнинг бошқача усулда товуш ҳосил қилинадиган, яъни қувурнинг ён томонидан тўғридан-тўғри пуфланадиган тури араб, турк, туркман, эрон ва айрим кавказ халқларида учрайди. Худи шунга яқин услубда товуш ҳосил қилиш бизда ишлатиладиган ғажир най ва қамиш найда ҳам қўлланилади. Факат бизнинг чолғучилар най қувурининг ён томонини тишга тираб пуфлашса, бошқа халқларда қувур лабга тиралади.

Араблар ўз чолғуларини най деб атайдилар. Бу чолғулар Миср фиръавнлари

хукмронлик қилган даврларда пайдо бўлганлиги учун ён томонида тешик очилмаган найларни улар фиръавн найи деб аташади. Ҳозирда ишлатиладиган найлар махсус «буус» деб аталадиган қамишлардан тайёрланади. Бу қамишларнинг бўғинлари жуда қисқа бўлиб, ҳар бир найда 9 та бўғин бўлиши шарт. Чолғунинг энг пастки бўғинида тешик очилмайди, 8- бўғинда 2 та, 7- бўғинда 2 та, 6- бўғинда яна 2 та, жами 6 дона тешик очилади. Бу тешиклар очилган томонининг тескарисидан, 5- бўғинда яна битта тешик очилади. Бу тешик фақат лозим бўлгандагина ишлатилиб, асосий куй устки томондаги тешикларни очиб-ёпиш орқали ҳосил қилинади. Араблар ишлатиладиган найлар уларнинг 7 мақоми номи билан аталади ва ҳар бир чолғу маълум бир баландликдаги товушга созланган бўлади. Булар:

- Рост - до
- Дока - ре
- Бусалик - ми
- Гоҳарко - фа
- Наво - соль
- Хусейний - ля
- Ажам – си bemol

Хиндлар ишлатиладиган найлар уларда қўлланиладиган товуш қаторининг барча товушлари асосида тайёрланиб, ишлатиладиган найларнинг сони 24 тагача етади.

Симфоник оркестрларда ва Дамли созлар оркестрларида қўлланиладиган флейта номли мусиқий чолғу най чолғусининг такомиллаштирилган шаклидир.

Сурнай чолғуси ҳам қадимий тарихга эга. Бу чолғу асосан тантаналар, байрамлар, сайиллар, тўйларда дойра, ноғора, карнай чолғулари билан биргаликда ишлатилади. Сурнайнинг товуши жуда кучли бўлганлигидан асосан очиқ майдонларда фойдаланилади. Сурнай чолғусида ижро этиладиган куй йўллари ва ишлатилиш ўрни жиҳатидан бошқа мусиқа чолғуларидан фарқ қиласди. Сурнайни қўллаш доирасини шартли равишда қўйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

1. Сурнай мақом йўллари ва мақомларга яқин бўлган йирик шаклдаги куйлар. Масалан, Хоразмда шу йўналишдаги Надрамиддин, Тўрғай, Шо кўчди, Хон чиқар

ва бошқа сурнай йўллари мавжуд.

2. Рақс куйлари.
3. Дорбоз йўллари.
4. Масхарабоз йўллари.
5. Тўй маросим йўллари.

Сурнай, одатда, тут, ёнғоқ ёки ўрик ёғочидан тайёрланади. Сурнайнинг таркибий қисмлари -тана, бачка, мийл, мийл чўп, садаф, найпачоқ (Хоразмда дудик) деб юритилади. Асосий тана 450-500 мм узунликдаги кенгайиб борувчи қувур шаклида бўлади. Сурнайнинг асосий ҳаво айланадиган танасида 8 та ҳаво чиқарувчи тешиги мавжуд. Булардан еттитаси юза тарафда, биттаси эса орқа томонда бўлади. Бачка – (тожикча “бачка”) бола сўзидан олинган бўлиб, асосий тананинг ичидаги кичик таначани англатади. Бачканинг асосий васифаси сурнайни созлаш бўлиб, сурнайнинг пуфланадиган томонидан сурнай танасига киритилади ва маҳкамланади. Бачка ишланадиган ёғоч сурнай танасининг ёғочидан фарқ қилиши лозим. Тана тутдан ясалган бўлса, бачка ўрик ёғочидан ясалади ёки аксинча. Бачканинг ички қисми бир оз конуссимон шаклда бўлади. Бу унга киритиладиган мийл мустаҳкам жойлашиши учун зарур бўлади. Мийл-мойил (мос, мослашиш) сўзидан олинган бўлиб, сурнайнинг муайян бўлакларини мослаш учун хизмат қиласи. Мийл кўпинча кумуш, жез ва шунга ўхшаш юмшоқ, юпқа, тунукасимон металлдан ясалади. Унинг узунлиги одатда 82-85 мм бўлади. Сурнайда товуш тебранишини ҳосил қилувчи асосий қисм - найпачоқ (трость)дир. Найпачоқ бир йиллик қамишнинг қовжираган қисмидан тайёрланади. Бунинг учун қамишнинг ердан бир қарич баландликдаги қисми кесиб олинади, қишида қор остида юмшаб, саратонда қовжираб пишган қамиш найпачоқ ясаш учун ярайди. Унинг йўғонлиги ҳар бир ижрочининг нафас қувватига қараб танланади. Қамиш ивитилиб, ичидаги ҳар хил пардалар яхшилаб тозаланади. Сўнгра мийл чўпига кийдирилади ва ип билан боғлаб қўйилади. Найпачоқ керакли шаклни олгандан сўнг мийл чўпидан чиқариб олинади ва қутилилади.

Кўшнай – сибизга деб номланадиган содда фольклор чолғусининг такомиллашган ва 2 донасини биргаликда қўшиб чалинадиган мусиқий чолғудир.

Қўшнай тайёрланадиган қамишлар бир оз йўғонроқ ва узунроқ бўлади. Ҳар иккала қамиш бўлакларида худди сибизғадаги сингари тиллар очилади ва ҳар бир бўлакнинг узунлиги ва йўғонлиги бир хил бўлиши талаб қилинади. Керакли товушларни ҳосил қилиш учун эса ҳар иккала бўлакда ҳам бир хил масофада 7 донадан тешиклар очилади. Қўшнай Хоразмда кенгроқ қўлланилади. Унинг садоланишида “ғизиллаш”га ўхшаган тебраниш сезилади. Унинг товуш қатори ҳам диатоник характерга эга. Товушларни кўтариш ёки тушириш най чолғусида тешикларни қисман ёки тўлик ёпиш ҳисобига амалга оширилса, қўшнайди бу жараён нафас кучини орттириш ёки камайтириш орқали амалга оширилади. Қўшнайсимон чолғулар ҳиндларда, молдаван ва руминларда, нидерландларда, арабларда ва бошқа халқларда учрайди. Араблар қўллайдиган қўшнай мақруна (арбчасига қўш) деб аталади. Мақруна қўшнайдан қўйидаги жихатлари билан фарқ қиласи. Аввало, унинг товуш ҳосил қиласидиган қисми алоҳида ингичка қамиш бўлагидан тайёрланади. Чолгунинг танаси ҳам икки бўлакдан иборат бўлиб, тешиклар очилган йўғон қисмга ундан ингичкароқ 2,5 см. узунликдаги қамишлар киритилган бўлади. Ана шу ўрта қисмга энг ингичка бўлак киритилади ва мақруна чалиш учун тайёр ҳолатга келади. Мақрунанинг энг ингичка қамишдан ясалган бўлакларида очилган тил чолғучи йўналтирадиган нафаснинг йўналишига қарама-қарши томондан очилади. Яъни қўшнай тиллари сингари эмас, қарама-қарши томондан очилади. Мақрунанинг диапазони қўшнайнидан кичик бўлади. Чунки, унда ҳосил қилинадиган товуш нафас кучи ўзгарганда ҳам асосий тондан кескин кўтариilmайди ва деярли бир хил бўлиб қолаверади. Қўшнайда ушбу усул билан бир ярим октавагача, сўнгги тешикни очгандан кейин эса бундан бир неча баробар ортиқмиқдорда товушни юқорига кўтариш имконияти мақрунада мавжуд эмас. Арабларда «арғуул» деб аталадиган яна бир қўшнайсимон чолғу мавжуд. Бу чолғу ҳам мақруна сингари ясалиб, унинг битта қисми иккинчисидан 3,5 баробаргача узайтирилади ва ушбу узайтирилган бўлакда ҳосил қилинадиган товуш доимий ўзгармас бўлиб туради. Яъни куй факат битта бўлакда ижро этилади, иккинчи бўлакдаги товуш ўзгармасдан, бутун ижро давомида куйга жўр бўлиб тураверади.

Чанг – қадимий мусиқий чолғу ҳисоблансада, бизнинг худудимизда XX асрнинг бошларида кириб келгани ҳақида маълумотлар бор. Чангсимон мусиқий чолғулар хитой, молдаван, румин, малайзия ва бошқа ҳалқларда ҳам учрайди. Дастлаб диатоник товуш қаторига эга бўлган чанг мусиқий мутахассислар ва чолғу усталари томонидан такомиллаштирилиб, хроматик товуш қаторига келтирилган. Чанг якка ҳолда ва чолғу жамоалари таркибида ишлатилади. Фахриддин Содиков, Фозил Харратов, Аҳмаджон Одилов, Рустам Неъматов, Фазилат Шукрова, Тоҳир Собиров, Тилаш Хўжамбердиев каби созандалар мазкур мусиқий чолғуни тарғиб қилиш ва оммалаштиришдаги хизматлари бекиёсdir.

Қонун чолғуси қадимда биз яшаб турган худудимизда кенг тарқалган. Лекин XX аср бошларидан то 80- йилларгача мазкур чолғу бир оз унутила бошланди. Изланувчан созандаларнинг, хусусан, Абдураҳмон Ҳолтоҗиевнинг сайъи-ҳаракати туфайли бу чолғу яна мусиқий ҳаётимизга кириб келди. Ҳозирги кунда қонун турли ансамблларда ва оркестрларда кенг қўлланишига эришилди. Қонун ҳаррагининг тери устида жойлашуви, унга тортилган торларнинг металлдан эмас, сунъий пластикдан тайёрланиши чолғунинг садоланишини майинлаштиради. Қонун торлари ҳар иккала қўл кўрсаткич бармоқларига кийдириладиган махсус плектор (медиатор) билан тирналиб чалинади. Қонун диатоник товуш қаторига эга. Чолғунинг ўнг томонида жойлашган кичик харракчалар ана шу торларни таранглаштириб ёки бўшаштириб керакли ярим тонликларни ҳосил қилишга ёрдам беради. Товуш кучини орттириш мақсадида қонун торларининг иккитаси ёки утаси бир хил қилиб созланади. Моҳир ижрочилар қонунни чалишда 3 ва ҳатто 4 та бармоқдан фойдаланадилар.

Қашқар рубоби асли келиб чиқиши Шарқий Туркистон (ҳозирги Хитойнинг Уйғур Автоном Округи)даги Қашқар деган жой номи билан боғлиқ бўлсада, ўзбек миллий чолғулари ичида энг кенг тарқалган ва оммалашган чолғу ҳисобланади. Мусиқани эндиғина ўзлаштираётганларнинг 50 фоизидан ортиғи ана шу чолғудан фойдаланиши маълум. Қашқар рубоби жуда жарангдор ва ёқимли садога эга бўлиб, нисбатан тез ўзлаштирилиши мумкин бўлган чолғулар қаторига киради. Бу

чолғу якка ҳолда ва чолғу жамоалари таркибида ишлатилиши мумкин. Мұхаммаджон Мирзаев, Эргаш Шукруллаев, Шавкат Мирзаев, Қобилжон Усмонов, Сулаймон Тахалов, Ари Бобохонов, Тоҳир Ражабий каби созандалар ушбу чолғу довруғини ёйиш ва оммалашувида катта хизмат күрсатғанлар қаторига киради.

Афғон рубобининг иккинчи номи бухоро рубобидир. Ушбу чолғу күпроқ форсий забон халқларда кенг ёйилған. Товушининг бир оз йўғонлиги ва майнлиги билан ажралиб турди. Афғон рубблари бир оз бошқачароқ кўринишдаги Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Тожикистон, шунингдек, баъзи кавказ халқлари ва араб давлатларида ҳам учрайди. XX асрнинг 30- йиллари охирида такомиллаштирилиб, хроматик товуш қаторига келтирилган афғон рубоби якка ҳолда ва чолғу жамоалари таркибида ижро этиш учун мўлжалланган. Афғон рубобини тарғиб этишда Ғуломқодир Эргашевнинг хизматлари катта бўлди.

Дутор – тожик тилида икки тор маъносини берадиган, энг севимли ва оммалашган ўзбек мусиқий чолғуларидан биридир. Дутор куйлари асосан биринчи торда ижро этилсада, иккинчи тор ўша куйга қўшилиб, доимий садо бериб туриши ушбу чолғуни бошқа чолғулардан ажратиб турди. Шунинг учун ҳам дутор куйларини ноталаштирилганда ҳар икала тордаги ноталар кўрсатилиши шарт. Бу ўзига хос мураккабликлар туғдиради. Дуторнинг садоси жуда майн бўлиб, товуш тембри баланд бўлмасада қулоққа жуда ёқимли ва яхши эшитилади. Баъзи чолғулар дойра жўрлигисиз ижро этилиши қийин бўлгани ҳолда, дуторнинг ўзида усулни чалиб бориш имконияти, уни якка ҳолда ҳам яхши қабул қилишга ёрдам беради. Дутор садоси аниқ ва яхши эшитилиши учун танбур ёки ғижжак билан биргаликда, шунингдек кичик чолғу жамоаларда фойдаланган маъқул.

Танбур – ўзбек халқининг қадимий ва ижрочилик жиҳатидан эса муракқаб бўлган мусиқий чолғулардан ҳисобланади. Бу чолғу фақат ўзбеклар, уйғурлар ва тожикларда учрайди. Танбур Шашмақом, Хоразм, Фарғона–Тошкент мақом йўллари ижросида мусиқани етакловчи, бошловчи чолғу ҳисобланади. Танбурга 4 дона металл сим тортилган бўлиб, куйлар асосан унинг биринчи торида ижро

этилади. Торларни чертиш учун ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғига махсус мослама – нохун кийдирилади. Қадимда нохундан фойдаланилмасдан ўнг қўл кўрсаткич бармоғининг тирноғи ўстирилиб ҳам ижро этилган. Танбурда мукаммал ижро этишнинг энг мураккаб томони шундаки, чап қўл бармоқларида босиладиган битта пардада бир нечта товушни ҳосил қилиш имконияти бор. Керакли товушни ҳосил қилиш учун эса жуда яхши эшитиш қобилияти ва юксак ижро маҳорати талаб қилинади. Шунинг учун ҳам танбур узок йиллар давомида ва машаққатли меҳнат эвазига ўзлаштирилади. Танбурни қайта ишлаш жараёнида хроматик товуш қаторига эга бўлган танбур ҳам яратилди. Бу танбурларнинг товуши анъанавий танбурдан бир оз фарқ қиласиди. Анъанавий танбурга хос бўлган нолаларни хроматик танбурда ижро этиш имконияти чегараланган. Қайта ишланган танбурдан ижрони ўзлаштириш жараёнининг дастлабки босқичида фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Уд. Сурхондарёнинг Шурчи тумани худудидаги Далварзинтепада археологик қазилмалар натижасида топилган сопол ҳайкалчаларда уд чолғусининг тасвири сақланиб қолганлиги бу мусиқий чолғунинг қадимий эканлигидан далолат беради. Уд чолғуси минг йиллар давомида мусиқий чолғуларнинг шохи ва энг мукаммали ҳисобланиб келган. Уд товушининг ёқимлилиги ва инсон овозига яқинлиги ҳар доим эшитувчиларни лол қолдирган. Тараққиёт давомида уд энг кам ўзгаришга учраган мусиқий чолғудир. Ўз кўринишини сақлаб қолиш билан бирга уд бошка мусиқий чолғуларинг дунёга келишига ҳам сабаб бўлган. Мандолина ва гитара мусиқий чолғулари уд чолғусидан келиб чиққанлигини тасдиқловчи далиллар бор. XX асрнинг бошидан то 80- йилларгача бўлган даврда бир оз унутила бошлаган уд чолғуси хозирда чолғу ижрошлигига яна қўлланила бошлади. Уднинг номланишига келсак, у - руд, шохруд номлари билан ҳам аталиб келган. Арабистон ярим оролида ўсадиган ва тутатилганда ёқимли хид таратадиган дарахт ҳам уд деб аталади.

Дойра – ўзбек мусиқий ижрошлигига усул (ритм) берувчи энг асосий чолғу ҳисобланади. Дойра иштирокисиз нафақат ансамбллар ёки оркестр ижросини, ҳатто кўпгина якка чолғулар ижросини ҳам ташкил этиб бўлмайди. Дойра

Ўзбекистонда энг кенг тарқалган мусиқий чолғулардан биридир. Унинг халқ ичида кенг оммалашувида Уста Олим Комилов, Ғофир Азимов, Қаҳрамон Даҳаев, ака-ука Дилмурод, Холмурод, Элмурод Исломовлар, Одил Камолхўжаев, Аббос Қосимов каби қатор дойрачиларнинг хизматлари бор. Дойрада ҳосил қилинадиган товушлар тембр жиҳатидан ва баландлик жиҳатидан фарқлансада, улар маълум бир мусиқий баланликка эга бўлмайди ва дойрада куй ижро этиб бўлмайди. Дойрада ҳосил қилинадиган бўғик товуш – бүм, жарангдор товуш – бак, ўта жарангдор товуш эса – нохун деб юритилади. Дойра партияси 4 қаторли нота йўлида ёзилади. Пастки 2 қаторда ўнг қўл, юқоридаги 2 қаторда чап қўл ижроси учун ноталар ёзилади.

Ноғора – иккита сопол тувакка тери тортилган кўринишда бўлади. Бири жарангдор, иккинчиси бўғик товуш чиқарадиган шу тувакларнинг тери тортилган қисмига маҳсус чўплар билан уриш натижасида мусиқий усул ҳосил қилинади. Ноғора садосининг жуда кучлилиги асосан очик ҳавода ижро этиладиган “Карнай-сурнай” ансамблларида фойдаланишни тақозо этади. Кейинги вақтда миллий чолғу ансамбллари ва мақом ансамблларида ҳам ноғорадан фойдаланиш кузатилмоқда. Ўзбек халқ чолғу оркестрида ҳам ноғорадан унумли фойдаланиш мумкин.

Ғижжак чолғуси қадимдан маълум бўлсада, турли номлар билан аталиб келган. Масалан, баъзи тарихий асарларда у “ребаб” деб аталади. Ҳозирда ҳам араблар уни ребаб дейишади. Ғижжак ва ғижжакка ўхшаш чолғулар тоҷик, озарбайжон, туркман, арман, уйғур, араб ва бошқа халқларда учрайди. Ғижжакнинг 4 дона тоқ торлари бўлиб, камон билан ижро этилади. Унинг дастасида пардалари бўлмаганлиги сабабли керакли товушларни ҳосил қилиш созандадан яхши эшитиш қобилияти ва юксак маҳорат талаб қиласиди. Тўхтасин Жалилов, Ганижон Тошматов, Гуломжон Ҳожиқулов, Абдуҳошим Исмоилов, Шухрат Йўлдошев, Ўлмас Расулов, Қаҳрамон Назиров, Қаҳрамон Комилов каби қатор созандалар ғижжак чолғусининг моҳир ижрочилари ҳисобланади. Ғижжак якка соз ҳолида, ансамбллар таркибида ва оркестрлар таркибида кенг қўлланилади.

Сато - танбурнинг камон билан чалинадиган кўринишидир. Аввалда оддий танбур сато сифатида фойдаланилган бўлса, ҳозирда танбурнинг бир оз катталаштирилган ва кўриниши бир оз ўзгартирилган тури сато сифатида ишлатилмоқда. Сато ижросида нохун ўрнига ғижжак ва скрипка чолғуларини чалишда ишлатиладиган камондан фойдаланилади. Сатонинг товуши жуда майин ва улуғвордир. Унда асосан мунгли ва оғир куйлар ижро этилади. Сато – дутор, танбур чолғулари билан биргаликда ва алоҳида ҳолда яхши эшитилади. Махсус овоз кучайтириш мосламаларисиз катта ансамблларда ва оркестрларда ишлатилиши қийин. Ижро этиш мураккаблиги туфайли сато ижрочилари жуда камчиликни ташкил этади. Одатда, танбур ижрочилари ғижжакни ҳам чала оладиган ҳолларда сато ижрочилигига ҳам ўзларини синаб кўрадилар.

Фольклор мусиқа чолғулари

Ўзбек миллий мусиқа чолғулари ранг-баранглиги, турли-туманлиги, садоланиш хусусиятининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда ўзбек миллий ижрочилигига қўлланилаётган чолғулар турларининг ниҳоятда бойлиги биз яшаб турган заминимизда мусиқа чолғуларига бўлган ижобий муносабатни ифодалайди. Шу билан бир қаторда, тарихимизга, анъана ва урф-одатларимизга халқимизнинг чуқур ҳурматини ҳам билдиради.

Ўзбек миллий мусиқа чолғуларининг таснифланишида уларда товуш ҳосил қилиш услублари асос қилиб олинади. Миллий чолғуларимизни ишлатиш ўринлари ва уларда ижро этиувчиларнинг таркиби, чолғуларнинг моҳиятига кўра бошқачароқ таснифлаш ҳам мумкин. Мусиқий ижрочиликда қўлланиладиган аксарият чолғуларда ижро этиш созандадан катта уқув, малака, тажриба ва билимни талаб қилгани ҳолда, халқ ичидаги жуда кенг тарқалган ва биз юқорида айтиб ўтган профессионал малака талаб қилинмайдиган содда мусиқий чолғулар ҳам бор. Мана шу чолғуларни биз фольклор мусиқий чолғулари деб атасак, хато бўймаса керак. Зоро, мазкур мусиқий чолғулар энг халқчил, оммабоп бўлиш билан бир қаторда халқ мусиқий ижодиётининг ҳақиқий руҳиятини, тароватини ифодаловчи товушлар садосини яратиш хусусиятига ҳам эгадир. Мусиқий

фольклор ижроилигининг чуқур билимдени, амалиётчиси ва мазкур жанрнинг фидойиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холик Хурсандов мусиқий чолғуларни қуидагича таснифлашни тавсия этади: туйғу чолғулари ва куй чолғулари. Туйғу чолғулари таркибиға чангқўбиз, сибизға, сопол най, ғажир най, қамиш най, доира, ноғора каби чолғуларни киритишни тавсия этилади. Қолган мусиқий чолғулар эса куй чолғулари қаторига киритилади. Аслини олганда ҳам, туйғу чолғуларида маълум бир куй ижро этилмайди ва унда фақат лавҳа, оҳанг ижро этиш мумкин. Бу лавҳа эса ҳар бир ижроилигининг ўзигагина хос бўлиб, унда учрайдиган маълум бир элемент ушбу оҳангнинг номланишини белгилайди. Мисол учун чангқўбизда ижро этиладиган «биёв-биёв», «гиж дов, дов» каби. Бундан ташқари, туйғу чолғулари инсонни табиатга яқинлаштиради, ижро қандай даражада бўлишидан қатъий назар, ижрочи фақат ўзига ҳос бўлган ҳиссиётни - ўзлигини ифодалайди ва бетакрор бўлади. Туйғу чолғуларининг бошқа чолғулардан устунлик томони шундаки, улар ҳамма учун очик. Ўзлигини ифодалашга бўлган ҳаракатни ёш болаларда ҳам кузатиш мумкин. Уларнинг пиёз ўзагидан, тол новдаси ва баргидан, қамиш танасидан ёки бошқа ўсимликлардан ясалган ва товуш ҳосил қилиш имкониятини берадиган турли мосламалар, шунингдек, тоғора, лаган каби уй-рўзгор анжомларидан фойдаланиб ўзларини ифодалайдилар ва бундан завқланадилар. Шунинг учун ҳам улар ўз туйғуларини ифодалашларига имконият яратиш мақсадида товуш ҳосил қилиш мумкин бўлган доира, ҳуштак, чангқўбиз каби ўйинчоқ чолғулари ҳозиргача тайёрланиб, атторлар томонидан сотилади.

Куй чолғулари эса маҳсус тайёргарлик, укув, тажриба талаб этадиган чолғу асбоблари бўлиб, уларда ижро этиладиган куй аксарият ҳолда олдиндан бошқаларга маълум, таниш бўлади. Ушбу куйларни мақомига, қиёмига етказиб чалишгина тингловчиларга ижобий таъсир қиласи ва бу анча мураккаб ишдир.

Мазкур қўлланмада биз куй чолғуларини – анъанавий чолғулар, туйғу чолғуларини эса – фольклор чолғулари деб атадик. Қуида фольклор-этнографик жамоалар ижроилигида кенг қўлланиб келаётган айрим фольклор чолғулари ҳақида маълумот беришни лозим топдик.

Чангқўбиз. Чангқўбиз жуда қадимий мусиқий чолғу деб ҳисоблансада, у тўғрисидаги маълумотлар тарихий манбааларга жуда кеч киритилган. Бизнинг назаримизда, мусиқий чолғулар ҳақида ёзилган рисолаларда чангқўбиз тўғрисидаги маълумотлар учрамаслигининг асосий сабаби мазкур мусиқий чолғуда алоҳида ҳолда «куй» (бизнинг тасаввуримиздаги якунланган мусиқий лавҳа) ижро этиш имкониятининг йўқлигидан унга жиддий эътибор берилмаган бўлса керак. Чангқўбизнинг жуда қадимий мусиқий чолғу эканлигини исботлаш қийин эмас. Чангқўбизнинг металлдан ва түя суюгидан тайёрланган турларининг мавжудлиги ушбу чолғу металл истеъмоли бошланган даврдан олдин ҳам мавжуд бўлганлигига ишора қиласа, чангқўбизга айнан ўхшаш чолғуларнинг шарқий туркий халқлар, шимол халқлари, Марказий Осиё халқлари, шу билан бирга татар, бошқирд халқлари ва ҳатто олмонларда ҳам учраши унинг жуда қадимий чолғу эканлигидан далолат беради. Хитойнинг жанубида яшайдиган оролларда ҳам қамишдан ясалган чангқўбизларни учратиш мумкин. Чангқўбиз чолғуси қадимдан Ўзбекистон ҳудудининг ҳамма вилоят ва шаҳарларида кенг тарқалган. Ҳатто энг йирик шаҳарларда яшовчи қариялар ҳам чанғовузни яхши билишлари ва ёшлиқ даврларида чалиб қўрганликларини эътироф этишади. Чангқўбиз ижроҷилари азалдан аёллар бўлган. Чангқўбизда якка ҳолда ва биргаликда ижро этиб келинган.

Чангқўбиз ҳозирда металлдан тайёрланади. Умумий узунлиги 10-15 см., эни тахминан 2 см. атрофида. Ундаги асосий товуш эгилувчан пўлатдан тайёрланган «тил» қисмида ҳосил қилинади. Металл пластинка ишланган тил уни тутиб турувчи металл корпусга қотирилади. Тилнинг корпусга қотирилмаган томони эркин ҳолда тебраниб туриши лозим. Тилнинг товуш ҳосил қилинадиган – тебраниб турувчи бўлагининг узунлиги тахминан 7 см. атрофида. Унинг учи 1 см. атрофида қайрилган бўлиши лозим. Қайрилган қисмнинг тифи бармоқ билан чалиш қулай бўлиши учун думалоқ шаклида ўраб қўйилади. Тилнинг эни тахминан 1,5–2,5 мм. бўлиб, бармоқ билан чалинадиган томонга қараб торайиб боради. Тилнинг қалинлиги 0,2 – 0,3 мм. Атрофида бўлади. Тилни ушлаб турувчи қўзғалмас қисм гўё иккига буқланган қалин металл симни эслатади. Корпус тил

қотириладиган жойида 2 см. атрофида кенгайтирилган бўлиб оралиғи 0,5 см. дан ортиқ бўлмайди. Ана шу оралиқда жойлашган тил билан ушлаб турувчи қўзғалмас қисм томонлари орасидаги масофа (тилнинг ҳар икки томонидан) 1мм. дан ортмайди. Тилнинг қўзғалмас томони, яъни корпусга қотирилган жойидан нариги томони ижрочи ушлаб туриши учун хизмат қиласди. Маълумки, табиатдаги ҳар қандай товуш бирор жисмнинг тебранишидан ҳосил бўлади. Тебраниш қанчалик тез бўлса, товуш шунчалик юқори ва баланд бўлади ва аксинча. Чангқўбизнинг тилини тебратганда деярли ҳеч нарса эшитилмайди, унинг товуши кучайтирилиши ва бошқаларга эшитилиши учун оғиз бўшлиғи резанатор вазифасини бажаради. Чангқўбизни ижро этишда унинг қўзғалмас қисмининг уч томони юқори ва пастки тишлар ўтасига шундай жойлаштириладики, чангқўбизнинг тили ана шу ҳолатда эркин тебраниши учун ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги лозим. Юқори ва пастки лаб чангқўбизнинг қўзғалмас қисмига тегиб туриши мумкин, лекин тилнинг ҳаракатига тўсқинлик қилмаслиги шарт. Чангқўбиз ижросида оғиз бўшлиғини тез кенгайтириш ва торайтира билиш асосий шартдир. Тил ёрдамида ана шу ҳолатни юзага келтириш орқали чангқўбиз «тили»да ҳосил бўлган ягона товушни ўзгартириш, кучайтириш ва оҳанглар тузиш имконияти юзага келади. Бундан ташқарии, ижрочининг ижро давомида чукур нафас олиши ва нафас чиқариши товуш кучини ортиради. Чангқўбизда ижро этилган оҳанглар ўзига хос бўлиб, уларни бошқа чолғуларда чалиб кўриш имкониятидан ваnota ҳолида ёзиб олиш имкониятидан маҳрум деб ҳисобланиб келинган. Чангқўбизда олиб борилган тажрибалардан шундай хулосага келдикки, унда 1,5 октава оралиғидаги ҳар қандай куйни чалиш имконияти бор экан. Бунинг учун ижро маҳорати ва оғиз бўшлиғи орқали маълум тезликда товушни ҳосил қилиш имконияти мавжуд бўлса бас. Шуни унутмаслик керакки, ҳар қанчалик маҳорат билан ижро этилган тақдирда ҳам чангқўбизда ҳосил қилинадиган биринчи товуш албатта ўз садосини беради ва кейин оғиз бўшлиғида ўзгартирилган ҳар қандай товуш ана шу биринчи ҳосил қилинган товушнинг ҳосиласи бўлиб қолади. Шунинг учун чангқўбизчилар ансамбли учун чолғу танлашда бир хил созга эга ёки уларнинг орасидаги интервал терция, кварта

ёки квинта бўлишига эътибор бериш зарур.

Сибизға. Ҳар бир мусиқа чолғусининг садоси инсонларда муайян ҳиссиётни уйғотиш хусусиятига эга. Мисол учун, уд чолғуси салобат, улуғворлик, босиқлик каби ҳиссиётларни ҳосил қиласа, сурнай- тантановарлик, байрамона кайфиятни, сато –мунглилик, ғамгинлик ҳисларини уйғотади. Сибизға чолғусининг садоси эса эшитувчида албатта табиат, борлик, кенгликни эсга солади. Уни эшитган тингловчи кўз ўнгидаги тоғу-тошлар, чўлу-саҳролар, қиру-далалар гавдалангандай бўлади. Ана шундай сехрли садолар ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлган сибизға жуда қадимий мусиқий чолғулар сирасига киради. Инсон томонидан яратилган энг содда ва инсон овозига яқин садо берадиган сибизға минг йиллар давомида оддий халқ томонидан ясалиб ва чалиб келинган. Бу мусиқий чолғу дастлабки кўринишига ва тузилишига нисбатан жуда кам ўзгаришга учраган. Фольклор мусиқий чолғуларининг сақланиб қолиши ва жуда кам ўзгаришга учрашининг асосий сабаби ҳам уларнинг содда тузилишга эга эканликлари ва оддий одамлар томонидан ясалиши мумкинлигига бўлса керак. Сибизға чолғуси гаров қамиш деб аталувчи қалин деворли қамишдан ясалади. Унда ҳосил қилинадиган товуш баландлигини ўзгартириш учун 3 ёки 4 та тешик очилади. Ана шундай сибизғада кварта, квinta баъзан секста диапазони оралиғидаги куйларни чалиш имконияти бор. Маълумки, фольклор қўшиқлари ҳам катта диапазон талаб этмайди ва мазкур қўшиқлар куйларини сибизғада ижро этиш имконияти бор. Сибизга чолғусида товуш нафас орқали (пуфлаш орқали) ҳосил қилинади. Оғиз бўшлиғидан куч билан йўналтирилган ҳаво сибизғанинг танасида очилган «тилча» билан корпус оралиғи орқали ўтади ва тебраниб туриш хусусиятига эга бўлган «тилча»ни тебратади ва товуш ҳосил қиласи. Сифатли товуш ҳосил қилиниши «тилча» билан корпус оралиғидаги тебраниш масофаси ва намлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун сибизғани чалишга тайёрлашда унинг орқа томонидан пуфланади ва бунинг натижасида «тилча» бир оз кўтарилиб ижро учун тайёр бўлади. Ҳаво кучининг ўзгариши сибизғада ҳосил қилинадиган товуш кучининг ва баландлигининг ўзгаришига олиб келади. Кучсиз ҳаво «тилча»ни тебрата олмаса, ўта кучли ҳаво «тилча»нинг эркин ҳаракатига таъсир қилиб уни

корпусга ёпиштириб қўйиши мумкин. Сифатли ҳосил қилинган товуш ҳам ҳаво кучи орқали ярим тонгача ва баъзан ундан ҳам ортикроқ ўзгартирилиши мумкин. Бу амалиёт ижрочининг маҳоратига боғлиқ бўлиб, диатоник товуш қаторига эга бўлган мазкур чолғуда керакли товушларни нафас кучи орқали ҳосил қилиш имконини яратади.

Сибизғанинг турли жойларда турли кишилар томонидан ясалиши ҳамма жойда бир хил ўлчамга амал қилинмаслигига олиб келади. Нодир бобо томонидан тайёрланган сибизғанинг ўлчамлари қуйидагича: қамиш сиртқи диаметри 7 миллиметр, ички диаметри 4 миллиметр бўлиб, узунлиги 12,5 сантиметр. Демак, қамишнинг қалинлиги 1,4 миллиметр атрофида бўлади. Пуфланадиган томонидан тил очилган жойигача оралиқ 7 миллиметр, тилнинг узунлиги 3 см, эса 6 миллиметр. Пуфланадиган томондан 6 см. дан кейин 0,5 см. оралиқда тахминан 7 миллиметр узунлик ва 3,5 миллиметр кенгликда 4 дона тешик очилган. Ушбу чолғунинг энг пастки товуши 2- октава до бўлиб, унда 2- октава сол дийез товушигача ҳосил қилиш мумкин. Кейинчалик анна шу чолғунинг диапазонини кенгайтиришга ҳаракат қилдик. Бунинг учун 4- тешик ва тил оралиғида яна битта тешик очдик ва товуш диапазонини 2- октава си товушигача етказдик. Бизнингча, яхши қамиш новдасидан фойдаланилган ва тешиклар сонини орттирган ҳолда товуш диапазонини бир октавага етказиш ва ҳатто орттириш ҳам мумкин экан.

Хозирда сибизға чолғусидан эстрада кўшиқчилигига, ҳатто оркестр ижрочилигига фойдаланилмоқда. Чолғунинг хусусиятидан келиб чиқиб, ундан чўзиб ижро этиладиган лавҳаларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шулловук (сопол най). Асосий тўрт унсурдан бири бўлган тупроққа иккинчи унсур – сув аралаштирилганда ҳосил бўлган лойдан шакли ясаладиган, кейин еса яна бир унсур – оловда пиширилган сопол най ўзига 4- унсур ҳавони тортганида (қабул қилганида) гўё ушбу қадимий чолғу бизга асрлар сасини бергандай бўлади. Ўз садоси билан бизларни ушбу заминда яшаб ўтган ота-боболаримиз билан рухан боғлайди. Бошқача қилиб айтганда, биз яшаб турган заминимизда ўсадиган дов-дараҳтлару, бута-ўсимликлар билан ҳамоҳанг бўлиб

заминимиз тупроғи ҳам куйлаш хусусиятига эга.

Шипиллак, шулловук, ҳұштак, сопол най номлари билан аталадиган содда мусиқий чолғу бизнинг назаримизда дамли чолғуларнинг энг қадимийси бўлса керак. Мантиқан олиб қараганда, инсон ёғочга яхши ишлов бериши учун тош ёки металл асбоб керак бўлган. Бу қуроллар ихтиро этилмаган даврда ҳам сопол най сингари чолғуларни ясаш мумкин бўлган. Сопол найга ўхшаш чолғуларнинг тасвирлари Сурхондарёдаги Далварзинтепа қазилмаларида учрайди. Оддий лойдан ясалиб, ўтда тобланиши натижасида сопол ҳолига келтирилган содда асбоблар қаторида ўша даврларда сопол най ҳам бўлган бўлса керак. Мазкур чолунинг турлича кўринишдаги турлари Республикализнинг турли жойларида учрайди. Болалар (қишлоқ жойларда) ўйинчоғи сифатида биттагина товуш ҳосил қилиш имкониятига эга бўлган турларидан тортиб бир ярим оқтавагача диапазонда куй чалиш имкониятига эга бўлган сопол найлар қадимда жуда кенг тарқалган. Ҳозирда жуда кам учрайдиган мазкур чолғу баъзи чет вилоятларда сакланиб қолган.

Сопол найда товуш ҳосил қилиш ҳеч қандай қийинчиликсиз амалга оширилади, яъни пуфланадиган томонидан ҳаво йўналтирилса, бас. Сопол найда ҳосил қилинадиган товуш ёғоч ёки бамбуқдан ясалган найдан кескин фарқ қилмасада, ўзига хос садоси билан ажралиб туради. Профессионал ижрочиликда қўлланиладиган най чолғусида чалиш машаққатли меҳнат, укув ва тажриба талаб қиласи. Сопол найда эса нафас кучидан тўлиқ фойдаланиш (най ижросида маълум қисмдаги ҳаво тўлқини пуфланадиган тешикни четлаб ўтади) ҳисобига оз муддатда натижа кўрсатиш имконияти бор.

Сурхондарёда тайёрланган сопол найнинг ўлчамлари қўйидагича. Ташқи диаметри 2,3 см., ички диаметри 1,3 см., девор қалинлиги 0,5 см. бўлиб, чолғунинг узунлиги 17 см. ни ташкил этади. Унинг пуфланадиган томони деворлари сиқиб, зичлаб бекитилган ва ўша жойининг эни 3,2 см. дир. Ҳаво пуфланиши учун зичлаб ёпиштирилган жойи ўртасидан эни 5 мм., қалинлиги 1 мм. лик тешик очилган. Сопол найнинг устки қисмида 4 та ва пастки қисмида бармоқ билан очиб ёпиладиган 1 та тешик мавжуд. Тешиклар диаметри 5 мм. дан

бўлиб, улар орасидаги масофа 1,5 дан 1,8 см. гача оралиқни ташкил қилади. Пуфланадиган томондан ҳисобланганда, устки қисмдаги 1- тешик 7,5 см. дан кейин, пастки тешик эса 5,3 см. дан кейин очилган. Агар сопол най ўлчамлари ўзгартирилиб устки тешиклар сони 6 тага етказилса, унда 2 октава ва ундан ортиқ оралиқдаги куйларни чалиш имконияти туғилади. Бундан ташқарии, сопол най диаметрини орттириш ёки камайтириш орқали нисбатан паст ёки юқори регистрли чолғу турларини ҳам ҳосил қилиш мумкин.

Мазкур чолғудан фойдаланиш масаласида ҳозирда эътиборсизлик мавжуд. Ундан фақат «Бойсун» ва «Булбули гўё» фольклор-этнографик жамоаларидагина фойдаланилмоқда.

Ғажир най. Бу чолғу баъзи китобларда чўпон най деб ҳам аталади. Аслида, чўпонлар ишлатадиган найлар суюқдан ёки қамишдан ясалиб, уларнинг ҳар иккиси ҳам чўпон най деб аталади. Ғажир найнинг номи парранда номи билан боғлиқдир. Чунки бу най - ғажир деб номланадиган қушнинг қанот суюгидан ясалади.

Ғажир – йиртқич қушлар қаторига киради ва аксарият ҳолларда ўлакса билан овқатланади. Унинг гўшти ҳаром ҳисобланади ва истеъмол қилинмайди. Кўриниши катта бу қушнинг қанотлари ёзилганда 3 метргача етади. Қанотларни ушлаб турувчи марказий суюгининг диаметри 2-2,5 сантиметрга, узунлиги эса 30-35 сантиметргача бўлади.

Гўшти ҳаром ҳисобланган қушнинг суюгини этидан ажратиб олингандан кейин ботқоқ жойга 40 кун давомида қўмиб қўйилади. Буни оддий халқ тилида «чилла қилиш» деб аталади. 40 кун давомида балчиқ ичидаги турган суюкка ёпишган гўшт бўлаклари чириб, суюқдан ажралиши осонроқ кечади. Суюкнинг икки томони очилиб, ички томони ҳам тозаланади. Ғажирнинг қанот суюги табиатан учбурчаксимон ва бир оз букилганроқ тузилишга эга. Юза қисм сифатида нисбатан силлиқроқ ва кенгроқ бўлган томон танланади ва шу томонидан 3 ёки 4 та, орқа томонидан 1 дона тешик очилади. Орқа тарафда очиладиган тешик пуфланадиган томонга яқинроқ, юза тарафдаги тешиклар эса узокроқ масофада бўлади.

Ғажир найни юқори тишларнинг орасига тираб, найнинг юқори қисмини лаб билан ўраб олган ҳолда ичига пулфлаб товуш ҳосил қилинади. Ғажир найда товуш ҳосил қилиш жуда мураккаб бўлиб, анча мاشаққатли меҳнат талаб қиласди. Унда сода ва кичик диапазонга эга куйларни ижро этиш мумкин.

Биз юқорида чўпон найлар қаторига киритган қамиш най ҳам ғажир суяги йўғонлигидаги қамишдан ясалади ва худди ғажир най сингари тешиклар очилади. Унда товуш ҳосил қилиш услуби ҳам ғажир найникидан фарқ қилмайди.

Дўмбира чолғуси профессионал чолғу ижрочилигига қўлланилмасада, халқимизга таниш мусиқа асбобидир. Бахшиларнинг энг яқин ҳамроҳи, тингловчи билан мулоқотда энг яқин ёрдамчиси бўлган дўмбира жуда қадимий чолғулардан ҳисобланади. Унинг заминимиздаги энг қадимий торли чолғулардан бири эканлигини тарихий маълумотлар ва қазилма бойликлардаги тасвиirlар исботлайди. Ҳозирда бизда қўлланилаётган дўмбираалар жуда кам ўзгаришга учраган. Дастрлабки даврларда ичакдан, кейинчалик ипакдан эшилган торлар ҳозирда пластик иплар билан алмаштирилган, холос.

Дўмбира чолғуси ҳозирда жуда кенг тарқалган дутор чолғуси яратилишига сабаб бўлган, деган тахминлар бор. Бундан ташқари, қозоқ халқида ҳам дўмбира чолғуси энг асосий мусиқий чолғулардан бири ҳисобланади. Қозоқ дўмбирааси замон таъсирида ўзгартирилиб, қовурғали косахона ва боғлама пардаларга эга бўлган чолғудир. Биздаги кўринишидаги чолғулар ҳам уларда сақланиб қолган. Факат, уни қозоқлар «чертар» деб атайдилар.

Рус халқ чолғуси домра ҳам номланиши билан бизнинг дўмбирамизга қариндошлигини исботлайди. Тарихдан шу нарса маълумки, XV асрдан XIX аср ўрталаригача даврдаги рус ҳукмдорлари маҳсус фармонлар билан «скоморохлар» номини олган саёқ созандалар билан курашиб келганлар. Черков аёнлари «шайтон чолғулари» деб атаган ва уларнинг таъбирида инсонларни диндан чалғитган скоморохларнинг мусиқий чолғулари ва ўзлари доимий таъқибда бўлган. Бир неча марта уларга нисбатан очиқ уруш эълон қилиниб, маҳсус тадбирлар уюштирилган. Рус мусиқий тадқиқотчиларининг ўзлари эътироф этишича ҳозирда энг оммабоп бўлган балалайка чолғуси ҳам таъқибчиларни

чалғитиши мақсадида кўриниши ўзгартирилган домра чолғусининг туридир. XIX аср охирида рус халқ чолғуларига қайта умр бағишлигаган В. В. Андреев аввал балалайка чолғусини такомиллаштиради. Унга ёрдам берган усталардан бири тасодифан чордоқда (том устида) таъқиблардан яширилган эски дўмбира чолғусини топиб олади ва уни такомиллаштириб ҳозирги кўринишга олиб келади. Маълум бўлишича қадимий рус дўмбирасида ҳам пардалар бўлмаган ва ундаги ижро мезроб билан эмас ўнг кўл бармоқларида бажарилган.

Агар дўмбира дутор чолғусининг асосини ташкил этган бўлса, дутор таъсирида ҳозирги кавказ халқлари ва туркларда машҳур бўлган «соз» чолғуси дунёга келган, деб тахмин қилиш мумкин. Чунки, дуторнинг металл торлар тортилган қорақалпок дутори ва туркман дуторлари кейинчалик ғарбга томон силжиб металл торларда мезроб воситасида товуш ҳосил қилиш услубидаги «соз»ларнинг дунёга келишига сабаб бўлган, дейишга асос бор. Қолаверса, кавказ халқларида (Догистонда) фойдаланиладиган «соз» ўз кўриниши билан дутор чолғусининг катталаштирилган нусхасига ўхшаб кетади.

Дўмбира чолғусининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, қўшиқ ижрочиси усулни доимо сезиб туриши учун аксарият ҳолларда талаб этиладиган урма чолғу (дойра) иштирокидан халос қила олади. Бошқача қилиб айтганда, дўмбирада куйнинг ўзини чалиш қаторида усулни ҳам қўшиб ижро этиб кетавериш имконияти бор.

Дўмбира асосан ўрик (зардоли), писта, арча, тут, тол, олмурт (нок) дараҳтларининг ёғочидан тайёрланади. Дўмбира инг аниқ ўлчамлари йўқ. У аксарият ҳолларда маҳаллий усталар томонидан тайёрланганлиги, бундан ташқари буюртма берувчининг бўйи-бости, истаги инобатга олингани муносабати билантурли катталиқда тайёрланиб келинади. Халқ бахшилари Шумурод Тоғаев, Шоберди Болтаев ва сурхондарёлик дўмбира устаси Шафоат бобонинг фикрича энг садоси зўр дўмбираалар олмурт (нок) дараҳтининг ёғочидан бўлар экан. Ҳозирда дўмбираага тортиладиган пластик торлар ўрнида аввал эчки ичагидан эшилган тор ишлатилган. Ёши улуғ дўмбира ижрочилари ва бахшилар берган маълумотларга кўра қадимда энг яхши тор сифатида «чумчуқ пай» торлар

ишлатилган ва улар ҳақиқатан ҳам чумчуқнинг оёғидаги пай қисмидан эшилган. Ҳозирда бундай торларни эшиб тайёрлаш технологияси унутилган.

Дўмбира чолғуси бошқа фольклор чолғуларига нисбатан кўпроқ ўрганилган ва ҳатто унда ижро этилган куйлар ноталаштирилган. Мусиқашунос олим Ф.Кароматовнинг 1962 йилда нашр этилган «Домбира мусиқаси» китоби тўлиқ мазкур чолғуга бағишлиланган.

Буламан (балабон) сурнайдан кўра бирмунча кичикроқ, қаттиқ ёғоч танасидан ишланган чолғу бўлиб, товуш ҳосил қилинадиган қисми сурнайнидан фарқ қиласди. Буламанда “най пачоқ” ўрнида сибизғасимон тил очилган қамиш бўлагидан фойдаланилади. Буламанда ҳам керакли товушларни ҳосил қилиш учун тешиклар очилиб, уларнинг 7 таси устки томонда ва 1 таси пастки томонда бўлади. Буламанинг товуш тембри (кучи) сурнайнидан анча пастроқ бўлади. Шунинг учун бу чолғудан чолғу ансамбллари ва қўшиқ ижрочиларига жўр бўлишда фойдаланиш мумкин. Бу чолғу Хоразмдан бошқа ҳудудларда деярли учрамайди.

Карнай – ўзбек дамли мусиқий чолғуларининг энг катта ва энг кучли товуш тембрига эга бўлган туридир. Ўз номи билан карлар ҳам эшитиши мумкин бўлган най деса ҳам бўлади. Унинг ҳажми жуда катталиги сабали оғир бўлмаслиги учун, юпқа мис тунукадан тайёрланади ва алоҳида 3 та бўлакни бир–бирига кийдириш орқали йигиладиган кўринишда тайёрланади. Бу чолғудан сурнай, дойра, ноғора билан биргаликда очик жойларда ижро этиш мумкин бўлган ансамбллардан фойдаланилади. Қадимда карнайлардан ҳарбий юришларда ҳам кенг фойдаланилган. Карнай халқ чолғу ансамбларида ишлатилмайди, халқ чолғулари оркестрида ҳам муайян асарнинг керакли жойларида эпизодик бўлаклар ижроси учун фойдаланилади.

Ўзбек миллий чолғуларини қайта ишлаш ва такомиллаштириш жараёни ва унинг натижалари. Ўзбек халқ чолғуларининг ҳозирги аҳволи ҳақида умумий маълумот. Халқ чолғуларини қайта ишлаш, такомиллаштириш жараёни. Ўзбек халқ чолғулари товуш қаторининг европа товуш қатори тизимиға ўтказиш устида олиб борилган ишлар. Н.Миронов, А.Петросянц, уста Усмон Зупаров ва бошқа

халқ өлгөлари усталарининг тажрибалари. Ҳозирги кунда диатоник ва хроматик товуш қаторига эга бўлган халқ өлгөлари. Қайта ишланган ва такомиллаштирилган ўзбек халқ өлгөларининг ҳаётийлиги, ютуклари ва камчиликлари. Мазкур өлгөларнинг ижрода миллийликни сақлаб қолиш имкониятлари. Пуфлама өлгөлар, урма жарангли торли өлгөлар, мезробли ва чертиб чалинадиган өлгөлар, урма шовқинли өлгөлар, камонли өлгөлар гурухлари ҳақида умумий маълумот. Қашқар рубоби, дутор, чанг, ғижжак оиласлари таркибига кирган янгидан яратилган өлгөлар. Ҳаваскор халқ өлғу жамоалари раҳбарларининг иш фаолиятида мусиқий асарларни жамоа ижросига мослаштириш муаммолари. “Чолғушунослик” фанининг бошқа мусиқий фанлар билан боғлиқлиги.

Пуфлама өлгөлар гурухи. Кичик най, най. Пуфлама өлгөлар гурухига кирган ўзбек халқ өлгөлари. Халқ өлғу оркестрида қўлланиладиган өлгөлар ҳақида маълумот. Пуфлама өлгөларнинг товуш ҳосил қилиш хусусиятларига кўра турланиши. Най өлғуси тарихи, ҳозирги пайтда бошқа халқларда тарқалган найлар билан ўхшашлик жиҳатлари ва тафовутлари. Найнинг товуш қатори, диапазони. Чолғуштириш жараёнида най өлғусидан тўғри фойдаланиш учун маслаҳатлар. Пуфлама өлгөлар диапазонини кенгайтириш жараёнида олиб борилагн изланишлар, кичик найнинг яратилиши. Кичик най учун өлғу партиясининг ёзилиши. Кичик найнинг диапазони ва ишчи диапазони. Най ва кичик най өлгөларининг куй ижросидаги имкониятлари. Ушбу өлгөлар ижросида миллийликни сақлаб қолиш муаммолари.

Сурнай өлғусининг оркестрдаги ўрни. Қўшнай. Пуфлама өлгөлар учун партияларнинг ёзилиши.

Сурнайнинг тузилиши, товуш ҳосил қилиниши. Маданий ҳаётимизда сурнай өлғусининг ишлатилиш ўринлари. Сурнайни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тажрибалар. Сурнай товуш тембрининг бошқа өлгөлар товуш тембридан фарки. Пуфлама өлгөлар диапазонини кенгайтириш йўлида олиб борилган тадқиқотлар. Буламан(балабон) өлғуси ҳақида маълумот. Сурнай партиясининг ҳозирги кунда гобой өлғуси томонидан ижро этилиши. Сурнай

чолғусини соло сифатида оркестр ижроси билан қўшиш йўлида олиб борилган тажрибалар. Кўшнай ҳақида маълумот. Кўшнайсимон чолғуларнинг бошка халқлардаги кўриниши. Уларнинг ўзбек кўшнайидан фарқли томонлари. Кўшнайда товуш ҳосил қилиш хусусиятлари. Кўшнай товуш қатори, диапазони. Кўшнай ижросидан унумли фойдаланиш учун маслаҳатлар. Карнай чолғуси ҳақида маълумот. Карнайнинг оркестрда қўлланилиши. Пуфлама чолғулар гурухига кирган чолғуларнинг оркестр ижросида тутган ўрни. Пуфлама чолғулар гуруҳи партияларининг ёзилиши.

Урма жарангли торли чолғулар гурухи. Чанг оиласи. Чанг чолғусининг тарихи. Чанг оиласининг яратилиши. Пикколо, тенор ва бас чанглари ҳақида умумий маълумот. Прима чанги. Пикколо чангининг диапазони. Тенор ва бас чангларнинг чанг оиласи учун ёзилган асарларни ижро этишдаги ўрни. Уларда торларнинг жойлашуви ва диапазони. Ўзбек халқ чолғу оркестри таркибида қўлланилиб келаётган прима чанги ҳақида маълумот. Прима чангининг ансамбл ижрочилигидаги ўрни. Чанг чолғусини тарғиб қилиш ва чанг ижрочилигидаги имкониятлар. Чанг чолғусида фойдаланиладиган штрихлар. Чанг штрихларидан оркестр ижросини бойитиш бўйича маслаҳатлар.

Мезробли ва чертиб чалинадиган чолғулар гурухи. Рубоб оиласи. Прима ва қашқар рубобларининг созланиши ва диапазони. Гуруҳ таркибида кирган чолғуларда товуш ҳосил қилиш йўлларига қараб турланиш. Мезробли чолғулар. Қашқар рубобининг такомиллаштирилиши. Рубоб оиласига кирган чолғулар. Прима, меццо сопрано, альт рубобларининг яратилиши. Прима рубобининг оркестрда қўлланилиши. Прима рубобини тарғиб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар. Прима рубобининг созланиши ва диапазони. Оркестр ижросида прима рубобига топширилиши мумкин бўлган ижро партиялари. Қашқар рубоби ўзбек ҳаваскор мусиқа ижрочилигига энг кенг тарқалган чолғу сифатида. Қашқар рубобида мусиқий асарларнинг ижросида миллийлик хусусиятларини саклаб қолиш имкониятлари. Қашқар рубобининг созланиши, диапазони. Қашқар рубобига топширилиши мумкин бўлган ижро партиялари. Мезробли чолғуларда қўлланиладиган штрихлар. Мезробли чолғуларнинг умумий

ижродаги ўрни. Афғон рубобининг тарихи ва такомиллашуви ҳақида маълумот. Темперация қилинган чолғу асбобининг имконият чегаралари. Чолғудан асарлар ижросида мақсадли фойдаланиш учун тавсиялар. Тўлиқ ва ишчи диапазон. Тремоло штрихидан легато ҳосил қилишда фойдаланиш. Тескари зарб. Синкопалар ижросида ўнг қўлнинг вазифалари. Мезроб билан чалинадиган чолғуларнинг оркестр умумий ижросидаги тутган ўрни. Мазкур чолғу гурухларидан унумли фойдаланиш учун тавсиялар.

Дутор оиласи. Прима, секунда, тенор дуторларнинг қўлланиши. Альт дутори. Дутор чолғусининг ўзбек мусиқасида тутган ўрни. Диатоник товуш қаторли чолғу асбоби намунасида хроматик товуш қаторига эга бўлган дутор оиласининг яратилиши. Прима ва секунда дуторларининг ўзбек халқ чолғу оркестри таркибида кенг қўлланиш даври. Филармония халқ чолғу оркестрига С.Алиев раҳбарлик қилган даврда альт дутори сонини кўпайтириш ҳисобига прима ва секунда дуторларининг оркестр таркибидан чиқарилиши. Ҳозирги кунда мазкур чолғуларнинг халқ чолғу оркестрларида қўлланилиши. Тенор дутори деб номланувчи халқ дуторининг Д. Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрида қўлланилиши. Прима, секунда, тенор дуторларининг созланиши ва диапазонлари ҳақида маълумот. Альт дуторининг имкониятлари. Оркестр умумий ижросида альт дуторлари партиясининг аҳамияти. Халқ дутори ва альт дуторларини солиштириш йўли билан бир-бирларини тўлдирадиган томонларини аниқлаш. Чертиб чалинадиган чолғулар гурухига киравчи дуторларга хос штрихлар. Дуторда қўлланиладиган штрихларидан оркестр ижросида унумли фойдаланиш.

Дутор оиласига киравчи мезроб билан чалинадиган чолғулар. Бас ва контрабас дуторларининг созланиши, диапазони. Бас дутори ташқи қўринишидаги эволюция. Бас дуторнинг умумий ижродаги вазифалари. Унда қўлланиладиган штрихлар. Чолғунинг созланиши ва диапазони. Бас дуторидан жўр бўлиш (аккомпанемент)да ва куй ижроси(соло)да фойдаланиш. Контрабас дутори ҳақида маълумот. Чолғунинг созланиши, диапазони. Чолғу партиясининг ёзилганидан фарқли равишда эшитилиши. Контрабас дуторининг ижро имкониятлари. Бас ва контрабас дуторларидан мезробли чолғулар ансамбли ва

дотор оиласи ансамбларида фойдаланиш.

Мезробли ва чертиб чалинадиган чолғу гурухи учун чолғулаштириш.

Гурух таркибидаги транспозиция қилинадиган чолғулар. Гурух таркибиға кирган чолғулардан ранг-баранг ансамбллар ташкил этиш имконияти ҳақида. Кўп овозли ижрода кенг тарқалган плектор(мезробли чолғулар) оркестрлари ва ансамбллари. Гурухнинг умумий ва кўп қўлланиладиган диапазони. Чолғулаштириш жараёнида ҳар бир мусиқа чолғуси имкониятларини тўлиқ очиб бериш учун интилиш. Плектор ансамбллари ва оркестрлари партитураларини расмийлаштириш. Дуторлар турларидан фойдаланиш жарёнида штрихларга эътибор бериш лозимлиги ҳақида. Чолғу партияларини ёзишда транспозиция усулининг афзаликлари. Қашқар рубоби, афғон рубоби, танбур, альт дутори, контрабас дутор ва тенор дуторларнинг ёзилишдан фарқли равишда садоланиши. Оркестр таркибida кам қўлланиладиган чолғулар ва улардан фойдаланиш йўллари.

Урма шовқинли чолғулар гурухи. Чолғу партияларининг ёзилиш қоидалари.

Урма шовқинли чолғуларнинг миллий мусиқада ва умуман шарқ мусиқасида етакчи ўрни ҳақида. Чолғуларнинг тарихи, турлари ва шаклланишига назар. Дойра чолғу партиясини ёзиш қоидалари. Ўнг ва чап кўл учун усул ҳиссаларини тўғри тақсимлаш. Дойранинг имкониятларидан оркестр ижросида унумли фойдаланиш йўллари. Ўзбек халқ чолғу оркести учун ёзилган асарларда дойрадан унумли фойдаланилган асарлар. Урма шовқинли чолғулардан фойдаланишда композитор Ф. Алимов ижодига назар. Ноғора партиясини ёзиш қоидалари. Қайроқ, сафоил, қошиқ чолғуларидан фойдаланиш, улар учун партияларнинг ёзилиши бўйича тавсиялар. Урма шовқинли чолғуларда хосил қилинадиган усуллар орқали мусиқага миллийлик бағишлиш мумкинлиги. Бир чолғучининг бир нечта урма шовқинли чолғуларда ижро партияларини чалиши учун имконият яратиш ҳақида.

Ўзбек халқ чолғу оркестида қўлланиладиган қўшимча (симфоник оркестр таркибида қўлланиладиган) урма шовқинли чолғулар. Оркестрнинг мусиқий ифода имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида бошқа халқлар урма шовқинли чолғуларидан фойдаланиш. Литавра чолғуси ҳақида маълумот,

ундан тўғри фойдаланиш. Литавранинг диапазони ва нота ёзуви. Учурчак, кастаньет, румба, тарелка, катта ва кичик барабанлар ҳақида маълумотлар. Чолғу партияларини тўғри ифодалаш. Аниқ товуш баландлигига эга бўлган ксилофон, металлофон сингари чолғуларнинг ишлатилиш ўринлари. Оркестрда симфоник оркестрлар таркибидан кирган чолғуларда ижро этувчиларни тайёrlаш ва машғулот ўтказиш муаммолари.

Камонли чолғулар оиласи. Прима ғижжакнинг созланиши ва диапазони. Альт ғижжак ҳақида маълумот. Ғижжак чолғусининг пайдо бўлиши, шаклланиши, унинг ўзбек мусиқа ижрочилигига тутган ўрни. Ғижжаксимон чолғуларнинг бошқа халқларда ишлатилиши. Ғижжак чолғусининг такомиллаштирилиш жараёни. Ғижжак оиласи. Прима, альт, бас ва контрабас ғижжакларнинг яратилиши ва кейинги тақдири. Қўбиз чолғусининг такомиллаштирилиши, ҳозирги профессионал оркестрларда қўбиз бас ва қўбиз контрабас чолғуларининг қўлланилиши. Виолончель ва контрабас чолғуларининг ўзбек халқ чолғу оркестрларида ишлатилиши. Прима ғижжакнинг созланиши. Умумий ва кўп фойдаланиладиган – ишчи диапазонлари. Альт ғижжак ҳақида маълумот. Созланиши ва диапазони, ёзилиш калити. Прима ва альт ғижжакларнинг оркестрда қўлланиш ўринлари, уларга хос штрихлар.

Бас ва контрабас ғижжаклар, уларнинг оркестр ижросидаги ўрни, созланиши ва диапазони. Бас ва контрабас чолғуларининг кўп овозли ижродаги тутган ўринлари. Ўзбек миллий мусиқасида сато созининг ишлатилиши. Бас ғижжакдан оркестр ижросида тўғри фойдаланиш. Бас ғижжакнинг созланиши, умумий ва ишчи диапазони. Чолғу штрихлари. Контрабас ғижжак ҳақида маълумот. Бас ва контрабас ғижжакларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши. Камонли чолғулар гурухининг товуш диапазонини кенгайтириш йўлидаги тажрибалар. Қўбиз чолғусининг такомиллаштирилиши, қўбиз оиласи. Профессионал халқ чолғу оркестрларида бас ва контрабас ғижжаклар ўрнида қўлланилаётган чолғулар.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Ўзбек анъанавий чолғулари деганда қайси мусиқа чолғулари назарда тутилади?
2. Фольклор чолғуларининг Ўзбекистон худудида тарқалганларидан қайсиларини биласиз?
3. Қайси ўзбек миллий чолғулари такомиллаштирилган?
4. Қайси чолғуларнинг оиласи яратилган?
5. Қайси ўзбек чолғулари ўзгаришсиз қолдирилган?
6. Қайси такомиллаштирилган ва қайта ишланган миллий чолғулар ҳозирда умуман ишлатилмайди?
7. Миллий чолғуларни қайта ишлаш ва такомиллаштиришнинг ижобий томонларини санаб бера оласизми?
8. Миллий чолғуларни қайта ишлаш ва такомиллаштиришнинг салбий томонларини санаб бера оласизми?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.И.Петросянц Инструментоведение Т.: 1990.
2. Ў.Тошматов Чолғушунослик (Олий таълим муасссалалари учун ўқув-қўлланма) Т.: 2006.
3. М.Абдукаримов Чолғушунослик (Олий таълим муасссалалари учун ўқув-қўлланма) Насаф нашриёти 2006.
4. Тошматов Ў., Туратов С. “Кўхна чолғулар ижрочилиги” – Т.: Ўқув кўлланма, 2015.

3-Мавзу: ЗАМОНАВИЙ ВА АНЪАНАВИЙ ЧОЛҒУЛАРДА ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Режа

1. Ўзбекистонда чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича таълим тизими.
2. Чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича таълимда амалий ижрони назарий таълим билан бойитиш ҳақида.
3. Ижрочиликда эришилган замонавий услубларни таълим тизимига татбиқ этиш масалалари.

Мавзуга оид таянч иборалар:

халқий (табиий) чолғу, сунъий чолғулар, дамли чолғулар, урма чолғулар, торли чолғулар, урма жарангли торли чолғулар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин халқимиз тарихи, ўтмиши, урф-одатлари, қадриятлари ва маданий меросимизга муносабат ўзгарди. Жамият аъзоларини тарбиялашда миллий урф-одатлар ва анъаналардан кенг фойдаланиш, азалий қадриятларимизни тиклаш ва улар воситасида ёшлиар онгига миллий мафкуруни шакллантириш муҳим вазифалардан бирига айланди. Шу жараёнда муқаддам мусиқа ижрочилигига умуман фойдаланилмаётган, унутилиш даражасига етиб қолган содда мусиқа чолғуларига қайта жон бағишиланди. Нафакат ҳаваскор фольклор жамоалари фаолиятида, балки академик йўналишдаги профессионал жамоалар ва ҳатто эстрада ижрочилигига ҳам чангқўбиз, сибизга, дўмбира, сопол най каби халқимизнинг қадимий чолғуларидан фойдаланиш бошланди. Мамлакатимиз миқёсида мусиқий таълимнинг ҳам сифатини ошириш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилиб, 1997 йилда қабул қилинган Таълим тўғрисидаги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар изчил амалга оширилиб келинаётинининг гувоҳимиз. Мамлакатимизда ҳозирги кунда мусиқий таълим уч босқичли тизимда амалга оширилмоқда. Бошланғич мусиқий таълимга йўналтирилган болалар мусиқа ва санъат мактаблари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан мактабдан ташқари

таълим ҳисобланади. Бошқа собиқ тузумдаги мамлакатларда болаларни мусиқий тарбия қилиш ўчоги ҳисобланган бундай таълим муассасалари тугатилиб, қисқариб бораётган бир шароитда Президентимиз И.Каримовнинг шахсий ташаббуси билан 2008 йилда тарихий қарор қабул қилиниб, 2009-2014 йилларда 278 та болалар мусиқа ва санъат мактабларини янгидан қуриш ва капитал реконструкция қилиш ишлари бошланган эди. Ҳозирги кунга келиб ушбу қарор тўла ижро этилди ва мамлакатимиздаги 300 дан ортиқ болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 278 таси тўла қувват билан ишлаши учун замонавий шароитлар яратилди. Ҳозирда ушбу ишларни яна давом эттириш вазифаси Президентимиз томонидан қўйилиб, яна қўшимча равишда янги болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва уларни ҳам замон талаблари асосида жиҳозлаш бўйича янги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Мусиқа соҳасида ўрта маҳсус таълим билан шуғулланувчи маданият ва санъат

коллажлари, маҳсус академик лицейларнинг барчаси тўла реконструкция қилиниб, бу муассасаларда кичик мутахассилар тайёрланмоқда. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида:

Қорақалпогистон Республикасида 2 та (Нукус ва Элликқалъа тумани);

Хоразмда 1 та (Урганч шаҳри);

Бухоро вилоятида 2 та (Бухоро шаҳри);

Навоий вилоятида 1 та (Навоий шаҳри);

Самарқанд вилоятида 1 та (Самарқанд шаҳри);

Сурхондарё вилоятида 1 та (Термиз шаҳри);

Қашқадарё вилоятида 2 та (Қарши шаҳри);

Сирдарё вилоятида 1 та (Гулистон шаҳри);

Тошкент вилоятида 1 та (Бекобод шаҳри);

Андижон вилоятида 1 та (Андижон шаҳри);

Фарғона вилоятида 1 та (Фарғона шаҳри);

Наманган вилоятида 2 та (Наманган шаҳри);

Тошкент шаҳрида 3 та шундай ўрта маҳсус таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Тошкент шаҳридаги Глиэр номидаги ҳамда Успенский номидаги

махсус мусиқа академик лицей-интернатлари Халқ таълими вазирлиги тасарруфида фаолият кўрсатади. Юқорида қайд этилганлардан ташқари Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфида фаолият кўрсатиб келаётган тасвирий ва амалий лицейларнинг мусиқа бўлимларида, шунингдек Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги мусиқий-педагогик лицейларда ҳам мусиқа соҳасидаги кичик мутахассислар тайёрланмоқда.

Республикамида мусиқа соҳасида олий малакали мутахассилар тайёрлаш билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги 2 та олий таълим муассасаси – Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти шуғулланади. 2002 йилда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясига Ўзбекистон давлат консерваторияси мақоми берилиб, унга махсус янги бино қуриб берилган бўлса, 2012 йилда собиқ Тошкент давлат маданият институти ва Ўзбекистон давлат санъат институти негизида янги – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ташкил этилди ва ушбу таълим муассасасининг моддий-техник базаси тўлиқ янгиланиб, институт учун ажратилган бинолар тўла реконструкция қилиниди ва қўшимча янги бинолар қурилиб, тўла замонавий талаблар асосида жиҳозланди.

Хозирги кунда ўмумий ўрта мактаблар учун педагогик кадрлар мусиқа соҳасида ҳам тайёрланиши йўлга қўйилган. Ушбу фаолият билан Қорақалпоғистон Республикаси, тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият юритаётган педагогика университетлари ҳамда педагогика институтларининг мусиқа факультетлари ва бўлимлари зиммасига юкланган.

Маълумки, мусиқий таълимда ҳам назарий, ҳам амалий машғулотларни қўшиб олиб борилиши шарт. Шунинг учун ҳам махсус предметларнинг асосий қисми амалий ва якка тартибдаги машғулотлар орқали олиб борилади. Ушбу таълимни ташкил этишда ўқувчи ва талабаларнинг бевосита мусиқа чолғуларини ва қўшиқ ижрочилик йўлларини мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган профессионал ва ҳавскор жамоаларда иш олиб боришга тайёрлаш мухим ўрин тутади. Шу мақсадда мана шу таълим муассасаларига амалиётчилар ҳам жалб этилиши назарда тутилган. Фан билан ишлаб чиқаришдаги алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек таълимда узвийликни таъминлаш мақсадида таълим

муассасалари ўртасида (бошланич, ўрта ва олий таълим босқичлари) шунингдек таълим муассасалари ҳамда профессионал ва ҳаваскор жамолар ўртасида ҳамкорлик шарномалари имзоланиб, тайёрланаётган кадрларни амалиётга тўғри йўналтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Ўзбекистонда мусиқий таълим нечта босқичда амалга оширилади?
2. Бошланғич мусиқий таълим муассасаларига мўлжалланган давлат дастури қачон қабул қилинган?
3. Ҳозиргача нечта болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўлиқ замонавий талабларга жавоб берадиган аҳволга келтирилди?
4. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидағи ўрта маҳсус мусиқий таълим муассасаларини санаб бера оласизми?
5. Олий таълим муассасаларидай қайси бирларида мусиқий олий таълим берилади?
6. Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтидаги мусиқий йўналишларнинг фарқи нимада?
7. Тошкент шаҳридаги маҳсус мусиқий академик лицейлар қайси ва улар қайси ташкилотлар тасарруфида?
8. Ўзбекистонда нечта санъат коллежлари бор?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ў.Тошматов Чолғушунослик (Ўрта маҳсус таълим муасссалалари учун ўқув-қўлланма) Т.: 2003
2. Ў.Тошматов Чолғушунослик (Олий таълим муасссалалари учун ўқув-қўлланма) Т.: 2006
3. М.Абдукаримов Чолғушунослик (Олий таълим муасссалалари учун ўқув-қўлланма) Насаф нашриёти 2006
4. А.И.Петросянц Инструментоведение Т.: 1990

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маъruzадан сўнг режалаштирилган дастлабки икки мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, саволжавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар қуи келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан маҳсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек мусика чолғуларидан амалий фойдаланиш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

Мавзу: Урма зарбли чолғулар таснифи ва улардаги ижро услубларининг такомиллашуви (2 соат)

Режа

1. Урма зарбли чолғуларнинг анъанавий ва замонавий таснифи.
2. Шовқинли чолғулар ва улар тайёрланадиган материаллар турлари.
3. Маълум баландликка эга урма зарбли чолғулар.
4. Ўзбек миллий урма зарбли чолғулари ва уларнинг бошқа чолғулар билан ўхшашлиги.

Чолғу партияларининг ёзилиш қоидалари. Урма шовқинли чолғуларнинг миллий мусиқада ва умуман шарқ мусиқасида етакчи ўрни ҳақида. Чолғуларнинг тарихи, турлари ва шаклланишига назар. Дойра чолғу партиясини ёзиш қоидалари. Ўнг ва чап қўл учун усул ҳиссаларини тўғри тақсимлаш. Дойранинг имкониятларидан оркестр ижросида унумли фойдаланиш йўллари. Ўзбек халқ чолғу оркестри учун ёзилган асарларда дойрадан унумли фойдаланилган асарлар. Урма шовқинли чолғулардан фойдаланишда композитор Ф. Алимов ижодига назар. Ноғора партиясини ёзиш қоидалари. Қайроқ, сафоил, қошиқ чолғуларидан фойдаланиш, улар учун партияларнинг ёзилиши бўйича тавсиялар. Урма

шовқинли чолғуларда ҳосил қилинадиган усуллар орқали мусиқага миллийлик бағишлиш мумкинлиги. Бир чолғучининг бир нечта урма шовқинли чолғуларда ижро партияларини чалиши учун имконият яратиш ҳақида.

Дойра – ўзбек мусиқий ижроилигиде усул (ритм) берувчи энг асосий чолғу ҳисобланади. Дойра иштирокисиз нафақат ансамбллар ёки оркестр ижросини, ҳатто кўпгина якка чолғулар ижросини ҳам ташкил этиб бўлмайди. Дойра Ўзбекистонда энг кенг тарқалган мусиқий чолғулардан биридир. Унинг халқ ичида кенг оммалашувида Уста Олим Комилов, Фоғир Азимов, Қаҳрамон Даҳаев, ака-ука Дилмурод, Холмурод, Элмурод Исломовлар, Одил Камолхўжаев, Аббос Қосимов каби қатор дойрачиларнинг хизматлари бор. Дойрада ҳосил қилинадиган товушлар тембр жиҳатидан ва баландлик жиҳатидан фарқлансада, улар маълум бир мусиқий баланликка эга бўлмайди ва дойрада куй ижро этиб бўлмайди. Дойрада ҳосил қилинадиган бўғиқ товуш – бүм, жарангдор товуш – бак, ўта жарангдор товуш эса – нохун деб юритилади. Дойра партияси 4 қаторли нота йўлида ёзилади. Пастки 2 қаторда ўнг қўл, юқоридаги 2 қаторда чап қўл ижроси учун ноталар ёзилади.

Ноғора – иккита сопол тувакка тери тортилган кўринишда бўлади. Бири жарангдор, иккинчиси бўғиқ товуш чиқарадиган шу тувакларнинг тери тортилган қисмига махсус чўплар билан уриш натижасида мусиқий усул ҳосил қилинади. Ноғора садосининг жуда кучлилиги асосан очик ҳавода ижро этиладиган “Карнай-сурнай” ансамблларида фойдаланишни тақозо этади. Кейинги вақтда миллий чолғу ансамбллари ва мақом ансамблларида ҳам ноғорадан фойдаланиш кузатилмоқда. Ўзбек халқ чолғу оркестирида ҳам ноғорадан унумли фойдаланиш мумкин.

Мавзу: Дамли чолғулар ва улардаги ижро услублари (2 соат) Режа

1. Дамли чолғуларнинг турлари ва уларнинг таснифи масалалари.
2. Тилли дамли чолғуларнинг турлари ва улардаги ижро услублари.
3. Замонавий ва анъанавий дамли чолғулардаги боғлиқлик ва анъанавий ижро услубларидан мусиқий таълимда фойдаланиш масалалари.

Най – жуда қадимий дамли (пуфлаб чалинадиган) мусиқа чолғуси бўлиб, қаттиқ ёғоч танасидан ёки бамбуқдан ясалади. Найда товуш ҳосил қилиш қувурда очилган тешик орқали ҳавони қувурнинг очиқ томонига йўналтириш орқали ҳосил қилинади. Унда бир дона пуфланадиган ва 6 дона товуш баландлигини ўзгартирадиган тешиклар бўлади. Най табиатан диатоник товуш қаторига эга бўлиб, зарур бўлганда товушларни кўтариш ва тушириш най тешикларини қисман ёпиш орқали амалга оширилади. Чолғучилар учун бундай мураккабликларни туғдирмаслик мақсадида баъзи халқларда ҳар бир тоналлик учун алоҳида найлар тайёрланади. Най чолғусига айнан ўхшайдиган ёки бироз бошқачароқ кўринишдаги мусиқий чолғулар деярли барча шарқ халқларида, шунингдек арабларда ва айрим Европа халқларида учрайди. Найнинг бошқача усулда товуш ҳосил қилинадиган, яъни қувурнинг ён томонидан тўғридан-тўғри пуфланадиган тури араб, турк, туркман, эрон ва айрим кавказ халқларида учрайди. Худи шунга яқин услубда товуш ҳосил қилиш бизда ишлатиладиган ғажир най ва қамиш найда ҳам қўлланилади. Фақат бизнинг чолғучилар най қувурининг ён томонини тишга тираб пуфлашса, бошқа халқларда қувур лабга тиралади.

Сурнай чолғуси ҳам қадимий тарихга эга. Бу чолғу асосан тантаналар, байрамлар, сайиллар, тўйларда дойра, ноғора, карнай чолғулари билан биргалиқда ишлатилади. Сурнайнинг товуши жуда кучли бўлганлигидан асосан очиқ майдонларда фойдаланилади. Сурнай чолғусида ижро этиладиган куй йўллари ва ишлатилиш ўрни жиҳатидан бошқа мусиқа чолғуларидан фарқ қиласди. Сурнайни қўллаш доирасини шартли равишда қуидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

1. Сурнай мақом йўллари ва мақомларга яқин бўлган йирик шаклдаги куйлар. Масалан, Хоразмда шу йўналишдаги Надрамиддин, Тўргай, Шо кўчди, Хон чиқар ва бошқа сурнай йўллари мавжуд.
2. Рақс куйлари.
3. Дорбоз йўллари.
4. Масхарабоз йўллари.
5. Тўй маросим йўллари.

Сурнай, одатда, тут, ёнғоқ ёки ўрик ёғочидан тайёрланади. Сурнайнинг таркибий қисмлари -тана, бачка, мийл, мийл чўп, садаф, найпачоқ (Хоразмда дудик) деб юритилади. Асосий тана 450-500 мм узунликдаги кенгайиб борувчи қувур шаклида бўлади. Сурнайнинг асосий ҳаво айланадиган танасида 8 та ҳаво чиқарувчи тешиги мавжуд. Булардан еттитаси юза тарафда, биттаси эса орқа томонда бўлади. Бачка – (тожикча “бачка”) бола сўзидан олинган бўлиб, асосий тананинг ичидаги кичик таначани англатади. Бачканинг асосий васифаси сурнайни созлаш бўлиб, сурнайнинг пуфланадиган томонидан сурнай танасига киритилади ва маҳкамланади. Бачка ишланадиган ёғоч сурнай танасининг ёғочидан фарқ қилиши лозим. Тана тутдан ясалган бўлса, бачка ўрик ёғочидан ясалади ёки аксинча. Бачканинг ички қисми бир оз конуссимон шаклда бўлади. Бу унга киритиладиган мийл мустаҳкам жойлашиши учун зарур бўлади. Мийл-мойил (мос, мослашиш) сўзидан олинган бўлиб, сурнайнинг муайян бўлакларини мослаш учун хизмат қиласи. Мийл кўпинча кумуш, жез ва шунга ўхшашиб юмшоқ, юпқа, тунукасимон металлдан ясалади. Унинг узунлиги одатда 82-85 мм бўлади. Сурнайда товуш тебранишини ҳосил қилувчи асосий қисм - найпачоқ (трость)дир. Найпачоқ бир йиллик қамишнинг қовжираган қисмидан тайёрланади. Бунинг учун қамишнинг ердан бир қарич баландликдаги қисми кесиб олинади, қишида қоростида юмшаб, саратонда қовжираб пишган қамиш найпачоқ ясаш учун ярайди. Унинг йўғонлиги ҳар бир ижрочининг нафас қувватига қараб танланади. Қамиш ивитилиб, ичидаги ҳар хил пардалар яхшилаб тозаланади. Сўнгра мийл чўпига кийдирилади ва ип билан боғлаб қўйилади. Найпачоқ керакли шаклни олгандан сўнг мийл чўпидан чиқариб олинади ва қуритилади.

Қўшнай – сибизга деб номланадиган содда фольклор чолғусининг такомиллашган ва 2 донасини биргаликда қўшиб чалинадиган мусиқий чолғудир. Қўшнай тайёрланадиган қамишлар бир оз йўғонроқ ва узунроқ бўлади. Ҳар иккала қамиш бўлакларида худди сибизғадаги сингари тиллар очилади ва ҳар бир бўлакнинг узунлиги ва йўғонлиги бир хил бўлиши талаб қилинади. Керакли товушларни ҳосил қилиш учун эса ҳар иккала бўлакда хам бир хил масофада 7 донадан тешиклар очилади. Қўшнай Хоразмда кенгроқ қўлланилади. Унинг

садоланишида “ғизиллаш”га ўхшаган тебраниш сезилади. Унинг товуш қатори ҳам диатоник характерга эга. Товушларни кўтариш ёки тушириш най чолғусида тешикларни қисман ёки тўлиқ ёпиш ҳисобига амалга оширилса, қўшнайда бу жараён нафас кучини ортириш ёки камайтириш орқали амалга оширилади. Қўшнайсимон чолғулар ҳиндларда, молдаван ва руминларда, нидерландларда, арабларда ва бошқа халқларда учрайди. Араблар кўллайдиган қўшнай мақруна (арбчасига қўш) деб аталади. Мақруна қўшнайдан қуидаги жиҳатлари билан фарқ қиласи. Аввало, унинг товуш ҳосил қиласидиган қисми алоҳида ингичка қамиш бўлагидан тайёрланади. Чолғунинг танаси ҳам икки бўлақдан иборат бўлиб, тешиклар очилган йўғон қисмга ундан ингичкароқ 2,5 см. узунликдаги қамишлар киритилган бўлади. Ана шу ўрта қисмга энг ингичка бўлак киритилади ва мақруна чалиш учун тайёр ҳолатга келади. Мақрунанинг энг ингичка қамишдан ясалган бўлақларида очилган тил чолғучи йўналтирадиган нафаснинг йўналишига қарама-қарши томондан очилади. Яъни қўшнай тиллари сингари эмас, қарама-қарши томондан очилади. Мақрунанинг диапазони қўшнайникидан кичик бўлади. Чунки, унда ҳосил қилинадиган товуш нафас кучи ўзгарганда ҳам асосий тондан кескин кўтариilmайди ва деярли бир хил бўлиб қолаверади. Қўшнайда ушбу усул билан бир ярим октавагача, сўнгги тешикни очгандан кейин эса бундан бир неча баробар ортиқмиқдорда товушни юқорига кўтариш имконияти мақрунада мавжуд эмас. Арабларда «арғуул» деб аталадиган яна бир қўшнайсимон чолғу мавжуд. Бу чолғу ҳам мақруна сингари ясалиб, унинг битта қисми иккинчисидан 3,5 баробаргача узайтирилади ва ушбу узайтирилган бўлақда ҳосил қилинадиган товуш доимий ўзгармас бўлиб туради. Яъни куй фақат битта бўлақда ижро этилади, иккинчи бўлақдаги товуш ўзгармасдан, бутун ижро давомида куйга жўр бўлиб тураверади.

**Мавзу: Торли чолғуларнинг турлари ва улардаги ижро
услубларининг бойитилиши (2 соат)**
Режа

1. Торли чолғулар таснифи. Жаҳон ва ўзбек торли чолғулари.
2. Тирнама ва мезробли чолғулар гурухи.

3. Камонли чолғуларнинг турлари ва эволюцияси.
4. Зарбали-торли чолғулар ва уларнинг мусиқа маданиятига ўрни.

Чанг – қадимий мусиқий чолғу ҳисоблансада, бизнинг ҳудудимизда XX асрнинг бошларида кириб келгани ҳақида маълумотлар бор. Чангсимон мусиқий чолғулар хитой, молдаван, румин, малайзия ва бошқа ҳалқларда ҳам учрайди. Дастлаб диатоник товуш қаторига эга бўлган чанг мусиқий мутахассислар ва чолғу усталари томонидан такомиллаштирилиб, хроматик товуш қаторига келтирилган. Чанг якка ҳолда ва чолғу жамоалари таркибида ишлатилади. Фахриддин Содиков, Фозил Харратов, Аҳмаджон Одилов, Рустам Неъматов, Фазилат Шукрова, Тоҳир Собиров, Тилаш Хўжамбердиев каби созандалар мазкур мусиқий чолғуни тарғиб қилиш ва оммалаштиришдаги хизматлари бекиёсdir.

Қашқар рубоби асли келиб чиқиши Шарқий Туркистон (хозирги Хитойнинг Уйғур Автоном Округи)даги Қашқар деган жой номи билан боғлиқ бўлсада, ўзбек миллий чолғулари ичida энг кенг тарқалган ва оммалашган чолғу ҳисобланади. Мусиқани эндиғина ўзлаштираётганларнинг 50 фоизидан ортиғи ана шу чолғудан фойдаланиши маълум. Қашқар рубоби жуда жарангдор ва ёқимли садога эга бўлиб, нисбатан тез ўзлаштирилиши мумкин бўлган чолғулар қаторига киради. Бу чолғу якка ҳолда ва чолғу жамоалари таркибида ишлатилиши мумкин. Муҳаммаджон Мирзаев, Эргаш Шукруллаев, Шавкат Мирзаев, Қобилжон Усмонов, Сулаймон Тахалов, Ари Бобохонов, Тоҳир Ражабий каби созандалар ушбу чолғу довругини ёйиш ва оммалашувида катта хизмат кўрсатганлар қаторига киради.

Афғон рубобининг иккинчи номи бухоро рубобидир. Ушбу чолғу кўпроқ форсий забон ҳалқларда кенг ёйилган. Товушининг бир оз йўғонлиги ва майнлиги билан ажralиб туради. Афғон рубоблари бир оз бошқачароқ кўринишдаги Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Тожикистон, шунингдек, баъзи кавказ ҳалқлари ва араб давлатларида ҳам учрайди. XX асрнинг 30- йиллари охирида такомиллаштирилиб, хроматик товуш қаторига келтирилган афғон

рубоби якка ҳолда ва чолғу жамоалари таркибида ижро этиш учун мўлжалланган. Афғон рубобини тарғиб этишда Ғуломқодир Эргашевнинг хизматлари катта бўлди.

Фижжак чолғуси қадимдан маълум бўлсада, турли номлар билан аталиб келган. Масалан, баъзи тарихий асарларда у “ребаб” деб аталади. Ҳозирда ҳам араблар уни ребаб дейишади. Фижжак ва ғижжакка ўхшаш чолғулар тожик, озарбайжон, туркман, арман, уйғур, араб ва бошқа халқларда учрайди. Фижжакнинг 4 дона тоқ торлари бўлиб, камон билан ижро этилади. Унинг дастасида пардалари бўлмаганлиги сабабли керакли товушларни ҳосил қилиш созандадан яхши эшитиш қобилияти ва юксак маҳорат талаб қиласиди. Тўхтасин Жалилов, Ғанижон Тошматов, Ғуломжон Ҳожиқулов, Абдуҳошим Исмоилов, Шухрат Йўлдошев, Ўлмас Расулов, Қаҳрамон Назиров, Қаҳрамон Комилов каби қатор созандалар фижжак чолғусининг моҳир ижро чилиари ҳисобланади. Фижжак якка соз ҳолида, ансамбллар таркибида ва оркестрлар таркибида кенг қўлланилади.

Дутор – тожик тилида икки тор маъносини берадиган, энг севимли ва оммалашган ўзбек мусиқий чолғуларидан биридир. Дутор куйлари асосан биринчи торда ижро этилсада, иккинчи тор ўша куйга қўшилиб, доимий садо бериб туриши ушбу чолғуни бошқа чолғулардан ажратиб туради. Шунинг учун ҳам дутор куйларини ноталаштирилганда ҳар икала тордаги ноталар кўрсатилиши шарт. Бу ўзига хос мураккабликлар туғдиради. Дуторнинг садоси жуда майин бўлиб, товуш тембри баланд бўлмасада қулоққа жуда ёқимли ва яхши эшитилади. Баъзи чолғулар дойра жўрлигисиз ижро этилиши қийин бўлгани ҳолда, дуторнинг ўзида усулни чалиб бориш имконияти, уни якка ҳолда ҳам яхши қабул қилишга ёрдам беради. Дутор садоси аниқ ва яхши эшитилиши учун танбур ёки ғижжак билан биргалиқда, шунингдек кичик чолғу жамоаларда фойдаланган маъқул.

Танбур – ўзбек халқининг қадимий ва ижрочилик жиҳатидан эса мураккаб бўлган мусиқий чолғулардан ҳисобланади. Бу чолғу факат ўзбеклар, уйғурлар ва тожикларда учрайди. Танбур Шашмақом, Хоразм, Фарғона–Тошкент мақом йўллари ижросида мусиқани етакловчи, бошловчи чолғу ҳисобланади. Танбурга 4

дона металл сим тортилган бўлиб, куйлар асосан унинг биринчи торида ижро этилади. Торларни чертиш учун ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғига махсус мослама – нохун кийдирилади. Қадимда нохундан фойдаланилмасдан ўнг қўл кўрсаткич бармоғининг тирноғи ўстирилиб ҳам ижро этилган. Танбурда мукаммал ижро этишнинг энг мураккаб томони шундаки, чап қўл бармоқларида босиладиган битта пардада бир нечта товушни ҳосил қилиш имконияти бор. Керакли товушни ҳосил қилиш учун эса жуда яхши эшитиш қобилияти ва юксак ижро маҳорати талаб қилинади. Шунинг учун ҳам танбур узоқ йиллар давомида ва машаққатли меҳнат эвазига ўзлаштирилади. Танбурни қайта ишлаш жараёнида хроматик товуш қаторига эга бўлган танбур ҳам яратилди. Бу танбурларнинг товуши анъанавий танбурдан бир оз фарқ қиласи. Анъанавий танбурга хос бўлган нолаларни хроматик танбурда ижро этиш имконияти чегараланган. Қайта ишланган танбурдан ижрони ўзлаштириш жараёнининг дастлабки босқичида фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Сато - танбурнинг камон билан чалинадиган қўринишидир. Аввалда оддий танбур сато сифатида фойдаланилган бўлса, ҳозирда танбурнинг бир оз катталаштирилган ва қўриниши бир оз ўзгартирилган тури сато сифатида ишлатилмоқда. Сато ижросида нохун ўрнига ғижжак ва скрипка чолғуларини чалишда ишлатиладиган камондан фойдаланилади. Сатонинг товуши жуда майин ва улуғвордир. Унда асосан мунгли ва оғир куйлар ижро этилади. Сато – дутор, танбур чолғулари билан биргаликда ва алоҳида ҳолда яхши эшитилади. Махсус овоз кучайтириш мосламаларисиз катта ансамблларда ва оркестрларда ишлатилиши қийин. Ижро этиш мураккаблиги туфайли сато ижрочилари жуда камчиликни ташкил этади. Одатда, танбур ижрочилари ғижжакни ҳам чала оладиган ҳолларда сато ижрочилигига ҳам ўзларини синаб кўрадилар.

Қонун чолғуси қадимда биз яшаб турган худудимизда кенг тарқалган. Лекин XX аср бошларидан то 80- йилларгача мазкур чолғу бир оз унутила бошланди. Изланувчан созандаларнинг, хусусан, Абдураҳмон Ҳолтоҗиевнинг сайъи-харакати туфайли бу чолғу яна мусиқий ҳаётимизга кириб келди. Ҳозирги кунда қонун турли ансамблларда ва оркестрларда кенг қўлланишига эришилди. Қонун

ҳаррагининг тери устида жойлашуви, унга тортилган торларнинг металлдан эмас, сунъий пластикдан тайёрланиши чолғунинг садоланишини майинлаштиради. Қонун торлари ҳар иккала қўл кўрсаткич бармоқларига кийдириладиган маҳсус плектор (медиатор) билан тирналиб чалинади. Қонун диатоник товуш қаторига эга. Чолғунинг ўнг томонида жойлашган кичик харракчалар ана шу торларни таранглаштириб ёки бўшаштириб керакли ярим тонликларни ҳосил қилишга ёрдам беради. Товуш кучини орттириш мақсадида қонун торларининг иккитаси ёки учтаси бир хил қилиб созланади. Моҳир ижрочилар қонунни чалишда 3 ва ҳатто 4 та бармоқдан фойдаланадилар.

Уд. Сурхондарёning Шурчи тумани худудидаги Далварзинтепада археологик қазилмалар натижасида топилган сопол ҳайкалчаларда уд чолғусининг тасвири сақланиб қолганлиги бу мусиқий чолғунинг қадимий эканлигидан далолат беради. Уд чолғуси минг йиллар давомида мусиқий чолғуларнинг шохи ва энг мукаммали ҳисобланиб келган. Уд товушининг ёқимлилиги ва инсон овозига яқинлиги ҳар доим эшитувчиларни лол қолдирган. Тараққиёт давомида уд энг кам ўзгаришга учраган мусиқий чолғудир. Ўз кўринишини сақлаб қолиш билан бирга уд бошқа мусиқий чолғуларинг дунёга келишига ҳам сабаб бўлган. Мандолина ва гитара мусиқий чолғулари уд чолғусидан келиб чиққанлигини тасдиқловчи далиллар бор. XX асрнинг бошидан то 80- йилларгача бўлган даврда бир оз унутила бошлаган уд чолғуси ҳозирда чолғу ижрочилигига яна қўлланила бошлади. Уднинг номланишига келсак, у - руд, шоҳруд номлари билан ҳам аталиб келган. Арабистон ярим оролида ўсадиган ва тутатилганда ёқимли ҳид таратадиган дарахт ҳам уд деб аталади.

ГЛОССАРИЙ

Мусиқа чолғуси – мусиқа ҳосил қилишда фойдаланиладиган барча асбоблар.

Чолғулар таснифи – мусиқа чолғуларини муайян услугуда гурухларга бўлиш.

Халқий (табиий) чолғу – инсон овози.

Сунъий чолғулар - мусиқа ҳосил қилишда фойдаланиладиган инсон томонидан яратилган мосламалар.

Дамли чолғулар – ҳаво ёрдамида мусиқа товуши ҳосил қилишга мўлжаланган мосламалар.

Урма чолғулар – қўл ёки бирор мослама билан уриш ёрдамида мусиқий ритм ҳосил қилишга мўлжаланган (қаттиқ жисмдан тайёрланган) мосламалар.

Торли чолғулар – торни тебратиш орқали мусиқа товуши ҳосил қилишга мўлжалланган мосламалар.

Тилли дамли чолғулар – бир ёки икки ёқлама тилни тебратиш орқали мусиқа ҳосил қилинадиган дамли чолғулар.

Урма жарангли торли чолғулар – тортилган торни маҳсус мослама воситасида уриш орқали товуш ҳосил қиласидиган мусиқа чолғулари.

Тирнама чолғулар – тортилган торларни тирнаш воситасида товуш ҳосил қиласидиган мусиқа чолғулари.

Мезробли (плекторли) чолғулар – тортилган торларни маҳсус мослама воситасида тирнаш орқали товуш ҳосил қиласидиган мусиқа чолғулари.

Камонли чолғулар – камон (смычок) ни торга ишқалаш воситаси товуш ҳосил қиласидиган мусиқа чолғулари.

Чолғу жамоаси – мусиқа чолғулари ижро чилирадан ташкил топган жамоа.

Оркестр – мусиқа чолғучиларини бирлаштирган йирик жамоа.

Чолғу ансамбли – чолғучилардан ташкил топган кичик жамоа.

Камер оркестри, камер ансамбли – ёпиқ бинода ижро этишга мўлжалланган чолғу жамоалари.

Фольклор чолғулари – оддий халқ томонидан тайёрланиб, ўз хис-

туйғусини ифодалашга хизмат қиладиган содда мусиқа чолғулари.

Кўхна (қадимий) чолғулар – узок ўтмишдан бошлаб инсониятнинг ҳамроҳи бўлган (айримлари унутилган ва айримлари шу кунгача истеъмолда бўлган) чолғулар.

Реконструкция қилинган (қайта ишланган) чолғулар – маълум бир чолғу асосида янгидан яратилган чолғулар.

Такомиллаштирилган чолғулар – муқаддам истеъмолда бўлиб, кейинчалик ижро имкониятлари кенгайтирилган чолғулар.

Қайта тикланган чолғулар – муқаддам истеъмолда бўлиб, маълум давр унутилган ва кейинчалик яна қайта тикланган чолғулар.

Анъанавий чолғулар – анъанавий мусиқа ижрочилигига фойдаланиладиган чолғулар.

Этник чолғулар – турли ҳалқларга мансуб мусиқа чолғулари.

Чолғу групҳи – оркестр ёки ансамбль таркибидағи бир турна мансуб чолғуларни бирлаштирган групҳи.

Чолғу оиласи – битта чолғу асосида яратилган чолғуларнинг умумий номи (масалан, дутор оиласи).